

### Boqiy fikr

**Biz yurtimizda yangi davlat, yangi jamiyat qurish yo'lida qanday ish qilsak ularning barchasini xalqimiz bilan bamaslahat qilamiz.**

**Shavkat MIRZIYOYEV**



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqq boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 18-oktabr, chorshanba № 83 (9044)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Муҳтарам дўстлар!  
Қадрли Хоразм ахли!

Авваламбор, бугун мана шундай ажойиб, шуқуҳли бир кунда сиз, азизлар билан учрашиб, барчангизни кўтаринки кайфиятда кўриб турганимдан хурсандман.

Сизларга, сизлар орқали кўпни кўрган, меҳнаткаш ва олижаноб Хоразм элига ўзимнинг чўқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришга руҳсат этгайсиз.

Бугунги кунни "ажойиб", "шуқуҳли кун" деб айтганим, албатта, бежиз эмас. Кун кеча Хоразм воҳасининг биринчи бўлиб пахта бўйича шартнома мажбуриятини бажардилар.

Сизларни фидокорона ва машаққатли меҳнат ҳисобидан 250 минг тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этиб, мана шундай улкан галабани кўлга киритганин-

гиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Халол ва самарали меҳнатингиз учун сизларга, бутун Хоразм элига чўқур миннатдорчилик билдириб, барчангизга мустақкам соғлақ, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳақиқатан ҳам, Хоразм — ўз касбининг фидойиси ва устаси бўлган асл деҳқонлар юрти экани билан ҳар қанча фахрлансак, сизларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак арзийди.

Бу заминдаги оғир иқлим ва мураккаб тупроқ шароитига қарамасдан, воҳа миришқорлари барча қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириб келмоқда. Бунинг учун одам аввало ўз юртини, ўз Ватанини севиши, унга садоқат кўрсатиб яшashi керак ва Хоразм ахли буни ўз тарихида, ўз ҳаётида тақрор ва тақрор исбот этиб келмоқда, десак, айна адолатни айтган бўламыз.

Азиз дўстлар, ахир, ўзингиз ўйланг, ёзи жазирама иссиқ, қиши қаҳратон совуқ, ерлари кучли шўрланган бу ҳудудда нафақат меҳнат қилиш, балки мўл ҳосил ундириш — бу, очик айтиш керак, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Шунинг учун хоразмлик деҳқонларни **бир эмас, икки марта қаҳрамон**, десак ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Шу боис ҳам мен ҳаёт синовларида тобланган, одамни, одабийликни юксак қадрлайдиган Хоразм ахлини юрагимга ақин оламан. Сизлар билан мулоқотда бўлиб, Ватанимизнинг бугунги ва эртанги тақдирини ҳақида мазмунли суҳбатлар қуришни, қандай қилсак ҳаётимиз янада обод ва фаровон бўлади, халқимиз, фарзандларимиз тинч ва осойишта, бахтли яшайди, деган масалалар бўйича фикрлашиб, маслаҳатлашишни зарур деб биламан.

(Давоми 2-бетда.)

## ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ, ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятида бўлди.

Ташрифнинг биринчи кунини Президентимиз қурилиш ва ободонлаштириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, эл-юртимиз равнақида хизмат қиладиган улкан лойиҳалар, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган режалар билан танишди.

Хоразм замини азалдан улуг аллома ва мутафаккирлари билан машҳур. Уларнинг бугунги издошлари ўз фидойи меҳнати билан мамлакатимиз ривожига улкан ҳисса қўшмоқда.

Вилоят тобора замонавий қиёфа касб этиб, янги уй-жойлар, саноат корхоналари, муҳташам саройлар, равон йўллар, кенг майдон ва хиёбонлар, боғроғлар, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо

этилмоқда, барча соҳада улкан ютуқлар кўлга киритилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил январь ойида вилоятга ташрифи давомида берилган топшириқлар ижроси юзасидан янги лойиҳалар устида иш олиб борилаётган. Натижада 2018-2019 йилларда Хоразм вилоятида умумий қиймати 716 миллион доллар бўлган 1 минг 500 га яқин лойиҳаларни амалга ошириш ва 16 минг иш ўрни яратишга мўлжалланган дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳаларнинг қиймати 450 миллион доллар бўлган 478 таси ташаббускорларнинг ўз маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилади.

(Давоми 5-бетда.)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Маданият ва санъат соҳасидаги бошқарув тизимида давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳузуридаги юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатаётган бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

2. Жамғарманинг асосий

вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси фаолиятини таъминлаш;

молиявий, ташкилий ва ижодий йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш асосида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга кўмаклашиш, шунингдек, маданият арбобларини ҳамда тасвирий санъат, адабиёт, театр, мусиқа ва хореография соҳаларида уларнинг ташаббуси билан ташкил этиладиган тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

(Давоми 6-бетда.)

## Тажриба ва маҳорат намойиши

«Yilning eng yaxshi to'garak rahbari — 2017»

Барглари зумрад, мевалари ёқут, танаси ҳам кўзни кувнатадиган кўркам дарахт шоҳида миттигина қушча, гўёки сайраб юборадигандек. Худди эртақларда тасвирланган афсонавий боғи эрам кўз олдингизда жонланади.

(Давоми 16-бетда.)



Газетани  
варақлаганда:

«Мақтабимизда  
пул йиғилмайди»

ёки «синф фонди» ва «мактаб фонди» учун пул йиғиш қонунийми?

7-бет

Меъёр  
ва мантқ  
лозим

11-бет



# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING HALQ DEPUTATLARI ХОРАЗМ VILOYATI KENGAШINING NAVBATDAN TASHQARI SESSIASIDAGI HUTQI

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Албатта, бугунги сафаримни мен анча аввал режа қилиб қўйган эдим, яъни, қани эди, биринчи бўлиб Хоразм аҳлини гаалаба билан табрикласам, деб ният қилган эдим. Нега деганда, мана шундай қутлуғ, қувончли кунда сизларнинг хурсандчилигингизга шерик бўлиб, ҳорманглар, азизларим, қадрдонларим, деб барчангизга раҳмат айтишни мен нафақат ўз бурчим, балки ўзим учун катта шараф деб биламан.

Хоразм воҳаси шундай ҳосиятли бир юртки, унинг ҳар қандай одамни ҳам ўзига тортадиган беқиёс сеҳри, жозибаси бор. Чунки, Хоразм деганда, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимизнинг тамал тоши қўйилган бетакрор бир ўлка кўз олдимизга келади.

Шахсан мен қачонки бу замин тупроғига қадам қўйсам, кўҳна тарих сирларидан гоҳ бўлгандек, кўп ҳаётий ҳикматларнинг мағзини қаққандек бўламан.

Хоразм ҳақида сўз юритганда, машхур шоиримиз Омон Матжоннинг мустақиллигимиздан олдин ёзган бир шеъри ёдимга тушади. У киши "Нега Хоразмда тоғлар йўқ?" деган саволни қўйиб, "Хоразмнинг буюк тоғлари бор — бу Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Ферузлардир", деб жавоб беради. Бундан биз чексиз ғурур ва ифтихор билан бу рўйхатга Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Хофиз Хоразмий, Сулаймон Боқирғоний сингари улуғ аждодларимизнинг қутлуғ номларини ҳам қўшиб айтишга тўла ҳақлимиз.

Айниқас, енгилмас саркарда, Ватан ҳимоячиси, миллий қахрамон Жалолиддин Мангубердининг она юртимиз озодлиги йўлида кўрсатган беқиёс жасорати ва матонати, мана, орадан неча асрлар ўтса ҳамки, халқимиз учун буюк ибрат намунаси бўлиб келмоқда. Бор-йўғи ўттиз икки йилгина умр кўрган бу жасур баҳодирга хатто унинг ашаддий душмани Чингизхон ҳам тан бериб, "Қани энди, менинг ҳам Жалолиддинга ўхшаган ўғлим бўлса эди, дунёдан беармон ўтардим", деб айтган сўзларини сизлар албатта яхши биласизлар.

Минг афсуски, биз мана шундай улуғ аждодимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатни ёшларимизга тўла етказаямиз, деб айта олмаймиз.

Мен шу йил 3 август кuni ижодкор зиёлиларимиз билан бўлган учрашувда шу масалани кўтариб, жумладан, Жалолиддин Мангуберди ҳақида ҳар томонлама етук бадиий фильм яратиш таклифини билдирган эдим. Бу борада мамлакатимизнинг театр ва кино арбоблари билан бир қаторда хоразмлик ижодкорлар ҳам фаоллик кўрсатсалар, нур устига нур бўларди.

Айни пайтда биз улуғ аллома ва мутафаккирларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг илмий, маданий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттирмақдамиз. Хусусан, Тошкент ахборот технологиялари университетиغا Муҳаммад Хоразмийнинг номи берилиб, унинг фаолияти янада кенгай-

тирилгани, шунингдек, буюк бобомиз номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилгани шулар жумласидандир.

Хабарингиз бўлса, биз Исломо ҳамкорлик ташкилотининг яқинда Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида Ал-Хоразмий номида ёш математикларнинг халқаро олимпиадасини ташкил этиш ва уни Ўзбекистонда ўтказиш ташаббуси билан чиқдик.

Ўйлайманки, ушбу олимпиадани айнан алгоритм ватани бўлиши Хоразмда, Хоразм Маъмур академиясида ўтказиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

Энг муҳими, бугунги кунда юртимиздан Хоразмий бобомизнинг муносиб издошлари етишиб чиқаётгани барчамизни қувонтиради.

Ана шундай ёшлардан бири, Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультети талабаси, Хоразм фарзанди Ҳақимбой Эгамберганов бунга аҗқол мисолдир. Бу истеъодли йигитимиз қатарасига уч йил — 2014, 2015, 2016 йилларда математика бўйича чет мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро фан олимпиадаларида олтин медални қўлга киритган.

Бундай ёшлар тимсолида биз Хоразмий бобомизнинг ҳақиқий набираларини кўрамыз. Шундай билимли, баркамол, Ватанга сadoqatли фарзандларимиз қанча кўпайса, Ўзбекистоннинг келажagi шунчалик буюк бўлиши муқаррар.

Ҳурматли депутатлар!  
Бугунги учрашувимиздан асосий мақсад — бу ташкилий масалани кўриб чиқишдан иборат.

Шу билан бирга, Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши ва уларнинг натижаси ҳақида, ечимини кутиб турган долзарб муаммолар ва келгусидаги вазифалар ҳақида сизлар билан атрофлича фикр алмашиб олишимиз зарур.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида барча ҳудудларимиз қатори Хоразм вилоятида ҳам катта ишлар қилинмоқда.

Хоразм воҳасининг бугунги обод қиёфаси, янги уй-жойлар, замонавий бинолар, sanoat корхоналари, муҳташам саройлар, равон йўллар, кенг майдон ва хиёбонлар, бог-роғлар, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, барча соҳаларда амалга оширилаётган ишларни кўрган одам бунга тўла ишонч ҳосил қилади.

Бундай натижаларга эришишда халқ билан доимий мулоқот қилиб, одамларни ташвишга солаётган ҳаётий муаммоларни ҳал этиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда Президентнинг Виртуал қабулхонаси ва барча ҳудудларимизда Халқ қабулхоналари ташкил этилгани, жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар, давлат органлари раҳбарларининг маҳаллий Кенгашларда ҳисобот бериши бўйича жорий этилган му்தлақо янги тизим ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Хоразм вилояти мисолида оладиган бўлсак, жорий йилда Халқ қабулхоналарига аҳолидан 14 мингдан зиёд мурожаат тушгани ва шун-

дан 12 мингтаси ижобий ҳал этилганини қайд этиш лозим.

Президентнинг Виртуал қабулхонасига вилоят ҳокимлиги ваколатига кирадиган масалалар бўйича 16 мингта мурожаат келиб тушиб, шундан 11 минг 500 таси ёки 74 фоизи қаноатлантирилган, қолганлари бўйича тушунтириш берилган. Жумладан, иш билан таъминлаш юзасидан 1 минг 600 дан ортиқ, соғлиқни сақлаш ва пенсия тайинлаш масалалари бўйича 1 минг 400 тага яқин, моддий ёрдам олиш бўйича 900 дан зиёд мурожаатлар ижобий ҳал этилган.

Албатта, бундай мурожаатларни кўриб чиқишда баъзан тезкорлик, таҳриба, амалий механизмлар етишмаслиги сезилиб қолмоқда. Биз бундай камчиликларни бартараф этиш ва мазкур тизимни янада такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттирмаймиз.

Қадрли сессия иштирокчилари!  
Маълумки, Хоразм вилоятида барча соҳаларни жадал ривожлантириш бўйича тегишли дастур ва инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг бир қатор қарорлари қабул қилинди.

Ана шу қарорларни бажариш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар туфайли вилоятда sanoat, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва коммунал соҳаларда жиҳдий ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, Хива шаҳри ва Хива тумани чегаралари ўзгартирилиб, Хива шаҳри вилоятга бўйсундиган шаҳарга айлантирилганини қайд этиш зарур.

**Хоразм вилояти иқтисодий тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларга мурожаат жорий йилнинг 9 ойи давомида 373 миллиард сўмлик инвестициялар ҳисобидан 1,5 мингга яқин ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектилари ташкил этилган ёки кенгайтирилган.** Натижада 6 мингта янги иш ўрни ташкил этилган. Жумладан, Шовот туманидаги тўқимачилик қўшма корхонасида 71 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобидан йилга 70 миллион дона пайпоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, шиша идишлар тайёрланадиган корхонада эса 35 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилган.

Ана шу ишларнинг давоми сифатида жорий йил охирига қадар яна бир қатор ўрта ва йирик корхоналарни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Хусусан, Қўшқўпир туманида 50 минг бош парранда хўжалиги, Хива туманида 500 тонна баллиқни қайта ишлаш корхонаси ва 1000 тонналик холоидильник, Богот туманида ҳам шундай холоидильник ишга туширилади. Урганч шаҳрида 250 минг тонна маиший чиқиндини қайта ишлаш бўйича корхона барпо этилмоқда.

Вилоят иқтисодий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча резервларини аниқлаш ва ишга тушириш мақсадида охириги бир ҳафта мобайнида тегишли вазирлик ва компаниялар раҳбарлари Хоразмга келиб, янги лойиҳалар устида иш олиб боришганидан сизлар хабардорсиз, деб ўйлайман. Бунинг натижасида 2018-2019 йилларда Хоразм вилоятида

умумий қиймати 716 миллион доллар бўлган 1 минг 500 га яқин лойиҳани амалга ошириш ва 16 мингта янги иш ўрни яратишга мўлжалланган дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шундан қиймати 450 миллион доллар бўлган 478 та лойиҳа ташаббускорларнинг ўз маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилади.

Иқтисодий вазирлиги (Г.Саидова), Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (А.Аҳмадхўжаев), Хоразм вилояти ҳокимлиги хўжалик бирлашмалари билан биргаликда, йигирма кун муддатда мана шу лойиҳаларнинг параметрлари, молиялаштириш манбалари, ташаббускор-инвесторлари ва амалга ошириш муддатларини аниқ белгилаш ҳолда, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига қиритсин.

Айни вақтда халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этиш ҳисобидан амалга оширилаётган йирик лойиҳалар сони вилоятдаги мавжуд салоҳиятга нисбатан жуда кам эканини тан олишимиз керак. Хусусан, вилоятда жорий йилда Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги томонидан қиймати 6,7 миллион долларлик 12 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунинг албатта қониқарли деб бўлмайди.

Шунинг учун, биринчидан, агентлик (Н.Нажимов) ва Марказий банк (Т.Ишметов) давлат томонидан жалб этилаётган хорижий сармояларни тез ва самарали ишлатиш борасидаги тизимни танқидий ўрганиб чиқиш, барча сўний тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

**Иккинчидан,** Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (А.Аҳмадхўжаев), Агентлик (Н.Нажимов) Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича камида 100 миллион долларлик махсус хорижий кредитларни жалб этиш чораларини кўрсин.

Ана шу лойиҳаларни амалга оширишда биз тадбиркорларга нафақат катта умид боғлаямиз, балки ушбу соҳада мисли қўрилмаган янги имконият ва имтиёзлар яратиш бердик ва бу сибсатни изчил давом эттиришга тайёрмиз.

Бу ишларни янада ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида **2018 йили Хоразм вилояти учун "Тадбиркорликни тубдан ривожлантириш ва инвестициялар йили"** деб эълон қилсак, нима дейсизлар?

Шу муносабат билан Хоразм вилояти ва туманлар ҳокимларининг иқтисодий бўйича ўринбосарларининг иш услубини ўзгартириш керак.

Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (Ш.Содиқов) Иқтисодий вазирлиги (Г.Саидова), Ташкил савдо вазирлиги (Э.Фаниев), Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (А.Аҳмадхўжаев) билан биргаликда, ўн кун муддатда Хоразм вилоятида тадбиркорликни ва инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни тубдан такомиллаштириш бўйича Президент қарори лойиҳасини тайёрлаб, тасдиқлаш учун қиритсин.

(Давоми 3-бетда.)



2017-yil 18-oktabr, № 83 (9044)

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING HALQ DEPUTATLARI XORAZM VILOYATI KENGASHINING NABVATDAN TASHQARI SESSIIYASIDAGI HUKMI

(Davomi. Bo'hi 1-, 2-betlarda.)

Вилоят ва туман ҳокимларининг иқтисодиёт бўйича ўринбосарлари ўзларининг зиммасидаги асосий вазифалардан ташқари тadbirkорликни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этиш масаласи билан бевосита шуғулланади. Бу ўзига хос Хоразм тажрибаси бўлади.

Юқорида номлари зикр этилган тўртта вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари вилоят ва туманлар ҳокимларининг иқтисодиёт бўйича ўринбосарлари билан бирга, чет мамлакатлардаги элчиларимизни жалб этган ҳолда, 1 йилда 15-20 миллион доллар миқдорда инвестициялар олиб келиш учун шахсан масъул этиб белгиланади.

Бунинг учун бизда барча асослар мавжуд: аввало, иқтисодиётни эркинлаштириш ва тadbirkорлик учун қулай муҳит яратиш бўйича мамлакатимизда жуда муҳим Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, жорий йилдан бошлаб тadbirkорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларга чек қўйилди.

Миллий валютамизни эркин конвертация қилиш масаласи ҳал этилди, валютани мажбурий сотиш тартиби бекор қилинди.

Айни вақтда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш бўйича қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Хусусан, тadbirkорлик фаолиятини лицензиялаш, рухсат бериш ва тартибга солиш билан боғлиқ турли қоидаларни кескин қисқартиришимиз керак.

Солиқ ва мажбурий тўловлар сонини камайтириш, уларни қўллаш тартибини кескин соддалаштириш, тadbirkорликка кенг йўл очиб бериш — барча бугундаги давлат идораларининг биринчи галдаги вазифасига айланиши зарур.

Содда қилиб айтганда, битта бўлса ҳам янги иш ўрни яратган тadbirkорларни бoshimizга кўтарадиган, уларга "сиз" деб murojaat қиладиган вақт келди. Бу — бугунги куннинг энг муҳим талаби, керак бўлса, янги даврнинг қонуни.

Бунга амал қилмас эканмиз, яна ҳамма нарса эски ҳаммом, эски тос бўлиб қолаверади. Ҳаётимизда ҳеч қандай ўзгариш ва ривожланиш бўлмайди.

Тadbirkорлик ва яна бир бор тadbirkорлик, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш ва ҳақон бозорида ўз ўрнинини эгаллаш — мана, бизнинг йўлимиз.

Бизнинг бундан бошқа йўлимиз йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Дунёдаги барча ривожланган давлатлар фақат мана шу йўл орқали эркин ва фаровон ҳаётга эришганини унутмаслигимиз керак.

### Мухтарам юртдошлар!

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Хоразм вилоятида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, бу йилги жуда нуқулай об-ҳаво шароитида машаққатли меҳнат қилган миришкор фермерлар жорий йилда барча экинлардан юқори ҳосил этиштиришга эришдилар. Масалан, вилоят деҳқонлари давлатга галла сотиш бўйича шартнома мажбуриятини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажариб, режадан 17 фоиз кўп ҳосил олди-

лар. Хусусан, Хонқа туманидаги "Мадир Хонқа", Ҳазорасп туманидаги "Юсуф ўғли Бобур", Гурлан туманидаги "Ислом Таганов", "Севинчбек Ихлосбек" фермер ҳўжаликлари гектаридан 85-90 центнердан галла хирмони кўтарганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Пахтачилик соҳасида, айниқса, Янгиарик туманидаги "Қаландар инженер", Хонқа туманидаги "Шерзод Отаниёзов", Богот туманидаги "Ёкуб бобо ўғли Омон", "Холмурад ўғли Мансур", Қўшқўпри туманидаги "Мутар" фермер ҳўжаликлари гектаридан ўртача 45-55 центнердан пахта ҳосили этиштиргани таҳсинга сазовордир.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда шартномада белгиланган 238 минг тонна пахта хомашёси юқори навларга сотилган бўлиб, қарийб 427 миллиард сўм даромад, 16 миллиард сўм фойда олиниши кутилмоқда.

Шунга қарамаздан, вилоятдаги 293 та фермер ҳўжалиги режани бажармаган. Бу — 6672 тонна пахта ана шу фермер ҳўжаликлари томонидан етказиб берилганини билдиради.

Мутахассислар томонидан олиб борилган ҳисоб-китоблар далалатда ана 31 минг тоннадан ортқ пахта териб олиш имконияти борлигини кўрсатмоқда.

Агар ана шу пахта териб олинганда қўшимча равишда 53 миллиард сўм даромад олиниши ва бундан ҳам фойда миқдори қарийб 55 миллиард сўмга етиши ҳисоблаб чиқилди.

Энг асосийси, ана шу 31 минг тонна пахтадан вилоят аҳолиси 18,6 миллиард сўм терим пули олиб, ўз моддий шароитини яхшилаб олиши учун имкон яратилди. Шунинг учун биз пешона тери билан этиштирилган шунча бойликни нобуд қилмасдан, йигиб-териб олсак, бундан давлат ҳам, халқимиз ҳам наф қўради.

Қишлоқ ҳўжалиги ҳақида сўз борар экан, бугунги кундаги энг муҳим вазифамиз — **одамларни кўпроқ даромад топишга ва шу асосда яхши яшашга ўргатиш**, бунинг учун зарур шароитлар ярати беришдан иборатдир.

Бу борада айниқса **"Томорқа — қўшимча даромад манбаи"** деган шиорни барча ер эгаларининг онга сингдиришимиз зарур. Бу — халқимизни бой қилиш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим омилидир.

Шу ўринда томорқадан унумли фойдаланиш, айниқса, кам таъминланган оилаларнинг даромадини кўпайтиришга кўмаклашиш бўйича биз Хонқа туманида бошлаган бир тажрибани мисол қилиб келтирмакчиман.

Бу тумандаги ўнлаб кам таъминланган оилаларга тadbirkорларни бириктириб қўйдик.

Тadbirkорларнинг маблағи ҳисобидан кам таъминланган оилаларнинг томорқасига юқори даромад келтирадиган экинлар экишни ва этиштирилган ҳосил тadbirkорлар томонидан сотиб олинишини ташкил этдик. Бу ишлар чорва ва парранда этиштириш бўйича ҳам йўлга қўйилди.

Айтиш қеракки, бундай ишлардан тadbirkорлар ҳам, кам таъминланган оилалар ҳам рози бўлмоқда.

**Одамларнинг розилиги — бу энг катта натижа!** "Хонқа тажрибаси" деб ном олган бу усулни биз барча ҳудудларимизда жорий этиш чораларини кўрмоқдамиз.

Яна бир муҳим янгиллик — ердан самарали фойдаланиш мақсадида бу йил Хоразм вилоятида галладан бўшаган 33 минг гектардан зиёд майдонга такрорий экинлар экилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу йил вилоятда шоли, сабзавот, қарам, картошка, мош каби такрорий экинлардан жами 170 минг тонна маҳсулот олиниши кутилмоқда.

Вилоятда фермер ҳўжаликлари-нинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида **Тошсоқа магистрал суғориш каналлари тизими** реконструкция қилинмоқда. Ушбу лойиҳа 2018 йилда тўлиқ якунланади ва 191 минг гектардан ортқ ер сув билан кафолатли таъминланади.

Ҳурматли сессия иштирокчилари! Хоразм воҳаси учун аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш нақадар долзарб эканини барчамиз яхши тушунамиз. Йил бошида Орол бўйи минтақасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Давлат дастурига асосан маҳсул жамғарма ташкил этилган эди. Жамғарма ҳисобида шу йил вилоят учун жами 63 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Шундан ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун 24 миллиард сўм, аҳоли дам олиш масканларини ташкил этиш учун 18 миллиард сўм йўналтирилди. Келгуси йилда бу ишлар учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Вилоятнинг замонавий йўл-коммуникация соҳасидаги салоҳиятини ошириш бўйича ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Хусусан, умумий узунлиги 335 километр бўлган "Бухоро — Мискин" темир йўли барпо этилиши билан йўловчиларнинг вақтини 4-5 соат тежашга эришилди.

Келгуси йилдан бошлаб Тошкент — Хива йўналиши бўйича "Афросиёб" тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилади. Бу нафақат маҳаллий аҳолининг узогини яқин қилади, айни вақтда вилоятда биз учун устувор вазиға бўлган **туризм салоҳиятини ривожлантиришга катта замин яратди**.

Бу ҳақда гапирганда, 2017—2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланганини таъкидлаш лозим.

Вилоятга туристлар оқимини кўпайтириш учун темир йўл ва ҳаво транспортдан фойдаланишда 15 фоизгача чеғирмалар жорий этилди.

Бугунги кунда Хивада катта сайёҳлик комплекси қурилаётгани, тарихий Нуруллабой саройида бадиий галерея, қабуллар уйи, амфитеатр, ҳунармандлар маркази, миллий ошона шохобчалари барпо этилаётганидан сизлар албатта хабардорсиз.

Шунингдек, 2017—2021 йилларда Хива шаҳрида яна 18 та меҳмонхона қуриш ва реконструкция қилиш бўйича белгиланган чора-тadbirkорлар ҳудудининг туристик салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (А.Аҳмадхўжаев), Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Б.Зокиров) билан

биргаликда Хива шаҳрида энг замонавий дам олиш ва истироҳат боғи барпо этиш, у ерда замонавий аттракционлар ўрнатиш, миллий меъморий услубда меҳмонхоналар қуриш бўйича бир ҳафта мuddатда тегишли лойиҳани ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритсин.

Юқорида айтиб ўтганимдек, Хивада шаҳар ҳокимлиги қайта тикланди. Энди ҳокимликнинг мутасаддилари Хитойга, мусулмон давлатларига бориб, туристлар сонини кўпайтириш чора-тadbirkорларини қўриши зарур.

Агар жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоятга 35 мингдан зиёд сайёҳ келган бўлса, бу рақамни келгусида 50 мингга етказиш лозим.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Абдуҳақимов), "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси (У.Розиқулов) вилоят ва Хива шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Хоразмга келадиган туристлар сонини ошириш бўйича махсус график тузиб, унинг ижросини таъминлаш чораларини кўрсин. Азиз дўстлар!

Биз учун энг катта бойлик бўлган **аҳолининг соғлигини сақлаш** борасида Хоразм вилоятида ҳам илгари ҳеч қачон бўлмаган ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, воҳада янги ташкил этилган 65 та қишлоқ оилавий поликлиникаси ва 18 та қишлоқ врачлик пункти бу йўлда муҳим қадам бўлди.

Айниқса, шаҳар ва туманларда 18 та ихтисослаштирилган бўлим очилгани йилга 13 мингдан ортқ беморга яшаш жойининг ўзида тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда.

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг мутахассислари Хоразм вилоятига келиб, қарийб 2800 беморни тиббий қўриқдан ўтказди.

Бундан ташқари, хориждаги нуфузли клиникалардан ўнлаб етакчи мутахассислар вилоятга таклиф қилиниб, улар иштирокда мураккаб операциялар бажарилгани кўлаб беморларнинг дардига шифо берди. Жумладан, россиялик машҳур кардиохирург, академик Лео Бокерия иштирокида юрак нуқсонлари бартараф қилиш бўйича ўтказилган операциялар хоразмлик жароҳлар учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлди, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Вилоят Кардиология марказида биринчи марта оғир юрак нуқсонини бартараф этиш бўйича операциялар, юрак қон томирларини шунтлаш ва бошқа мураккаб операциялар муваффақиятли амалга оширилди.

Вилоятдаги тез тиббий ёрдам шохобчалари қўшимча равишда 78 та автомашина билан таъминланди.

Натижада қақрилган жойга тез тиббий ёрдам бригадасининг етиб бориш вақти 2 баробар қисқарди. Ҳазорасп, Янгиарик, Шовот, Хива туманлари тиббиёт бирлашмалари, Урганч туманидаги қишлоқ оилавий поликлиникасида қурилиш ишлари якунланди.

Республика кардиология марказининг Хоразм филиали ва Урганч шаҳридаги кўп тармоқли ҳудудий клиника объектларида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

(Davomi 4-betda.)



# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING XALQ DEPUTATLARI XORAZM VILOYATI KENGASHINING NABVATDAN TASHQARI SESSIASIDA GI NUTQI

(Давоми.)

Бош 1-, 2-, 3-бетларда.)

Эришилган бундай натижалар албатта ўз олдимишга қўйган катта ишларнинг бошланиши, холос. Вожадаги мураккаб экологик вазиятни инобатта олиб, биз 2018 йилда Хоразм вилоятини намунали тиббий хизмат кўрсатиладиган худудга айлантириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Хоразм вилояти ҳокимлиги, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали (Р.Рўзибоев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов) вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан бирга ҳар бир шаҳар ва тумани қамраб олган Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори лойиҳасини тайёрлаши керак.

Мазкур қарорга биноан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов аҳолини патронаж хизмати билан тўлиқ ва сифатли қамраб олиш, бирламчи тиббий-санитария муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, скрининг марказларининг моддий-техник базаси ва реагентларга бўлган эҳтиёжини тўла молиялаштириш, Хивадаги "Муруват" ногирон эркаклар уйининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш бўйича масъул этиб белгилашни зарур.

Хурматли сессия широкчилари! Бугунги кунда ёш авлод тарбияси, уларнинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш, турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш масаласи дунё миқёсида энг ўткир муаммолардан бирига айланмоқда. Турли халқлар минбарларда, нуфузли анжуманларда бу ҳақда кўп гаплар айтилмоқда. Лекин, афсуски, амалий ишлар кам. Биз яқинда Бишлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бу борадаги ўз позициясини аниқ баён қилдик.

Ўзингиз тасаввур қилинг, азиз дўстлар, бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан энг катта авлод бўлиб, улар 2 миллиардга ташкил этмоқда. Жаҳон тарихида илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган. Бу — жуда катта кучдир. Лекин ана шу кудратли куч тўғри йўлга солинмаса, ёшларнинг энг муҳим талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинмаса, улар ҳаётда ўз ўрнини топмаса, қани, айтинглар, нима бўлади? Ҳозирги кунда экстремизм ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бундай ёшлар қаердан пайдо бўлмоқда? Улар билим ва касб-ҳунар эгаллаш, ишлаш, уйли-жойли бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган, норози, аламзада ёшлар орасидан чиқмоқда.

Агар Ўзбекистон мисолида айтадиган бўлсак, республикамиз аҳолисининг 58,8 фоизини, Хоразм вилояти аҳолисининг эса 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этмоқда.

Агар бу рақамларга жиддий эътибор бериб, уларнинг мағзини чақадиган бўлсак, олдимишда қандай улкан ва мураккаб вазифалар тургани аён бўлади.

Айни шу вазифаларни ҳисобга олиб, мамлакатимизда ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсиб-улгайиши, билим ва ҳунар эгаллаши, хорижий тилларни ўрганиши, ўз қобилиятига яраша иш ўрнига эга бўлишини таъминлаш учун "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди.

Ҳаракатлар стратегиясида ҳам бу масала алоҳида устувор вазифа сифатида етакчи ўринга қўйилган.

Биз бу йўналишда кейинги пайтда катта ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум, албатта. Жумладан, фарзандларимизнинг хоҳиш ва истаклари эътиборга олиниб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Навқирон ўғил-қизларимизга ўз бизнесини бошлаши, уй-жойга эга бўлиши учун имтиёзли кредитлар ажратиши, уларнинг эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди.

Бу йилдан бошлаб умумтаълим мактабларида ўн бир йиллик таълим қайта тикланди. Олий ўқув юрталарига қабул квоталари оширилди, 16 та олий таълим муассасасида сиртки ва кечки бўлимлар ташкил қилинди.

Биз алоҳида эътибор қаратаётган яна бир масала — бу ёшларимиз учун муносиб иш ўринлари яратишдан иборат.

Хоразм вилоятида жорий йилнинг ўзида қарийб 42 мингта янги иш ўрни очилганини шу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг дастлабки натижаси сифатида қабул қилишимиз керак.

Шулар қаторида Урганч шаҳрида 32 та ёш оила имтиёзли асосда берилган янги хонадонларга кўчиб ўтгани, "Ёшлар маркази" биноси фойдаланишга топширилиб, 4 мингдан зиёд китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази ташкил этилганини таъкидлаш ўринлидир.

Ёшларимиз манфаати билан боғлиқ яна бир муҳим масала ҳақида юқорида зикр этилган ижодкор зиёлилар билан бўлган учрашувда алоҳида тўхталган эдик.

Яъни илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳасидаги истеъдодли ва истиқболли ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли раҳбарларга аниқ топшириқлар берилган эди.

Бугун сиз, ҳурматли вилоят ва туман раҳбарларидан сўрамоқчиман, ҳар бирингиз ўз худудингизда шу масалада нима иш қилдингиз?

Такрор айтман, биз ёшлар тарбиясида хотиржамликка берилмасдан, бошлаган ишларимизни янада изчил давом эттиришимиз лозим. Ёшлар сиёсати масалалари бўйича Президентнинг давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи раиси Қ.Куранбоев манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар билан биргаликда қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириши зарур.

**Биринчидан**, хорижий давлатларда ишлаб юрган ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ишларни тизимли ташкил этиш лозим.

**Иккинчидан**, уюшмаган ёшлар билан ишлашни кучайтириш учун давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги ва масъулиятини янада ошириш керак.

**Учинчидан**, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида уларни спортга кенг жалб этиш, чекка худудларда спорт майдонлари барпо этишни ташкил қилиш лозим.

**Тўртинчидан**, таълим муассасаларида билим олиш сифати ва самарадорлигини оширишга, давоматни мустаҳкамлашга жиддий эътибор

қаратиш, ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш зарур.

Сизларга яхши маълум, кейинги пайтда мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада мустаҳкамлашга катта аҳамият берилмоқда. Мазкур масала барча худудларимиз қатори Хоразм вилояти учун ҳам гоят муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳолати йўқ, деб ўйлайман.

Бу борада олиб бораётган ишларимизга танқидий баҳо берадиган бўлсак, очик тан олишимиз керак, диний эътиқод масаласида адашганларни тўғри йўлга солиш борасида ҳали ҳам камчиликлар бор. Бу масалага фақат ҳокимият, ички ишлар, диний идора жавобгар, деган гап — бу нотўғри. Ёшлар билан ишлаш ҳаммамизнинг ишимиз бўлиши керак. Ота-боболаримиз **"Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она"** деган мақолга амал қилиб, кам бўлишмаган.

Йўлдан адашганларни фақат рўйхатдан чиқариш билан иш битмайди. Уларга амалий ёрдам бериш, муносиб иш топиб бериш, арзон кредитлар ва уй-жойлар билан таъминлаш лозим. Бундай одамларни соғлом ҳаётга қайтариш масаласида ўта нозиклик билан, илм билан, маърифат билан, аввало, шахсий намуна кўрсатиб ишлаш керак. Чунки улар ҳам Ўзбекистон фуқароси. Айни вақтда улар ҳам Ўзбекистон фуқаросининг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга, масъулият ва мажбурияти ҳам борлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги зарур.

Мен 1 сентябрь куни Ҳазрати Имом мажмуасида диний уламоларимиз билан бўлган учрашувда бошқа кўпгина масалалар қаторида ҳаж сафарини ташкил этиш бўйича ҳам фикр билдирган эдим.

Менимча, ҳаж зиёрати нафақат ибодат, балки аввало катта бир масъулиятдир. Бундай улуғ зиёратнинг шуқронаси ҳам бўлиши керак. Мен йўлдан адашганларни тарбиялаш, уларни соғлом ҳаётга қайтаришда фаоллик кўрсатганларни биринчи навбатда ҳажга юбориш лозим, деб айтганимда жуда кўп нарсаларни назарда тутган эдим. Яъни бунинг маъноси кенг.

Дейлик, ҳажга бормоқчи бўлган одам аввало ўз маҳалласи, ўз қишлоғидаги саваб ишларга ҳисса қўшса, мактабда, лицей-коллежда ёшлар билан учрашиб, тарбиявий суҳбатлар ўтказса, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида маслаҳат ва кўмагини аямаса, жамиятимиздаги муҳитни, аҳолининг дунёқарашини ўзгартиришга жуда катта хизмат қилган бўларди.

Барчамизга маълумки, ҳаж сафари — бу мусулмончиликнинг бешинчи фарзи. Бу фарзни адо этиш учун одам авваламбор олдинги тўртта фарзни тўла бажарган бўлиши керак. Ўзининг ҳулқи-одоби, ҳалол-поклиги, одамларга меҳр-оқибати билан эл-юрт ҳурматини қозониши лозим.

Ҳажга борган одам зиёрат давомида аввало ўзининг, ўз халқининг маданиятини кўрсатиши керак. Токи, мана, қаранглар, бу инсон Имом Бухорий ватандоши экан, деб бошқалар унга ҳавас қилсин. Юртимизга қайтиб келганидан кейин ҳам юриштириши, маданияти билан ҳаммага ўрнат бўлиши, маънавиятимиз тарғиботчиси бўлиши керак.

Ҳажга фақат пулдорлар ёки таниш-билиши борлар боради, деган тасаввурни бутунлай ўзгартириш вақти келди. Хоразм вилоятида ҳам ҳажга борадиганлар рўйхатини шу нуқтаи назардан кўриб чиқиш лозим. Бу масалада ҳам адолат ўрнатиш зарур.

Бу борада Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари жиддий ўйлаб, бир қарорга келса, нур устига нур бўларди.

**Муҳтарам дўстлар!**

**Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш** — бугунги кунда энг муҳим вазифадир.

Вилоятда бу соҳага кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда, маҳаллаларда 431 та жамоатчилик назорати масканлари тузилган.

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган қарийб 1800 нафар шахс билан амалий иш олиб борилгани натижасида уларнинг 655 нафари соғлом турмуш тарзига қайтарилган.

Бугунги кунда 368 нафар профилактика инспекторининг 120 нафари уй-жойлар ва автотранспорт воситалари тантанали равишда топширилди.

Табиийки, амалга оширилаётган бундай тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Масалан, вилоятда 702 та очилмай қолган жиноят фош этилган, қочиб юрган 211 нафар жиноятчи ушланган. Содир этилган жиноят қарорлари сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 фоизга ёки 316 тага камаянган.

Айниқса, охириги икки ойда жиноят содир этиш ҳолатлари қарийб 4 баробар камаянган эътиборга лойиқ. Энг муҳими, вилоятда 198 та маҳаллада мутлақо жиноят содир этилмаган.

Мана шундай натижаларга эришишда ўзини аямасдан, сидқидилдан хизмат қилиб келаётган барча юртдошларимизга чин қалбимдан миннатдорчилик билдиришга рўхсат бергайсиз. Демак, бир ёқадан бош чиқариб, қаттиқ ишласак, кўп нарсга эришимиз мумкин экан.

Айни вақтда бу натижалар билан чеklangмасдан, **ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ислохотларни янги босқичга олиб чиқишимиз зарур.**

Биз Хоразм вилоятини жиноятлардан бутунлай холи худудга айлантириб, бу борада **Хоразм тажрибасини яратсак**, нима дейсизлар?

Шу мақсадда Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда, бир ой муддатда Хоразм вилоятида **"Хавфсиз худуд концепцияси"**ни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига кириштириш зарур.

Биз учун янгилик бўлган бу муҳим лойиҳани нафақат шаҳарларимиз, балки туманларимизда ҳам самарали амалга ошириш учун айрим долзарб масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчидан**, туман ва шаҳар ички ишлар бўлимлари тузилмасини танқидий қайта кўриб чиқиб, ҳокимларнинг асосий қисми посёлка ва қишлоқ аҳоли пунктларига яқин жойларда фаолият юритишнинг таъминлашимиз керак.

(Давоми 5-бетда.)



2017-yil 18-oktabr, № 83 (9044)

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми.)

Боши 1-, 2-, 3-, 4-бетларда.)

Бу масала бўйича Президентнинг давлат маслаҳатчиси О.Муродов Ички ишлар вазирлиги (П.Бобононов) ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда, бир ой муддатда Урганч шаҳри ва Қўшқўпир тумани ички ишлар бўлимлари тўзимаси ҳамда шахсий таркибини тубдан қайта кўриб чиқиб, тажриба тариқасида мавжуд хизматларнинг фаолиятини бевосита жойларда ташкил этишга доир таклифлар киритсин.

**Иккинчидан**, ҳар ойда профилактика инспекторлари ва маҳалла раислари кўчама-кўча юриб, фуқаролар билан учрашиб, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга ошириладиган ишлар юзасидан ҳисобот бериб бориши керак.

Президентнинг давлат маслаҳатчиси О.Муродов, Ички ишлар вазирлиги (П.Бобононов), "Маҳалла" фонди (Ш.Жавлонов) Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда, бир ой муддатда профилактика инспекторлари ва маҳалла раисларининг ҳисобот бериш тизимини жорий этсин.

**Профилактика инспекторлари бундан буён ички ишлар органларининг маҳалладаги вакили эмас, балки маҳалланинг ички ишлар органларидаги вакили** сифатида ўз ишини ташкил этиши керак. Улар ўз ҳисоботини ана шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда тақдим этиши шарт. Бу мутлақо янги тизим бўлиб, унинг замирида чўқур маъно бор. Профилактика инспектори авваламбор маҳалланинг манфаатини биринчи ўринга қўйиши лозим.

**Учинчидан**, ўзига бириктирилган ҳудудда жиноят бўлмаслигини таъминлаётган профилактика инспектори ва аксинча — ўз ҳудудда жиноят содир этилишига йўл қўйган профилактика инспектори бир хил миқдорда маош олиши адолатдан эмас, деб ҳисоблайман.

Шунинг учун Ички ишлар вазирлиги (П.Бобононов), "Маҳалла" фонди (Ш.Жавлонов) Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда, бир ҳафта муддатда ўз ҳудудда яшайдиган фуқаролар томонидан жиноят содир этилишига йўл қўймаган маҳалла раиси ва профилактика инспекторига ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдоридан мукофот пули бериш ва, аксинча, жиноят содир этишга йўл қўйилган тақдирда эса уларга нисбатан ойлик маошининг 30 фоизи миқдоридан жарима қўлланши назарда тутадиган тартибни ишлаб чиқсин ва амалга татиқ этсин.

**Тўртинчидан**, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида жамоат жойлари ва аҳоли турар жойларида кузатув камералари ўрнатилишини ташкил этиш керак.

Бош вазирнинг биринчи ўринбасари А.Раматов Ички ишлар вазирлиги (П.Бобононов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда, бир ой муддатда ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий

этиш, жамоат жойларида кузатув камераларини ўрнатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

**Бешинчидан**, Ички ишлар вазирлиги (П.Бобононов) Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2017 йил 1 декабрга қадар Хоразм вилоятида ички ишлар органлари профилактика инспекторларига уй-жойлар ва автотранспорт воситалари топшириш ишларини якунига етказсин.

Мухтарам депутатлар!

Биз Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича эришилаётган натижаларга қисқача тўхталиб ўтдик, ҳолос. Лекин ана шу таҳлилнинг ўзиёқ Хоразм вилоятида барча соҳаларда катта ўзгаришлар юз бераётганини кўрсатмоқда.

Албатта, бундай натижаларга эришишда 2012 йилдан буён вилоятга раҳбарлик қилган Пўлат Раззоқович Бобононовнинг муносиб ҳиссаси борлигини барчамиз яхши биламиз.

Бу раҳбар берилган топшириқларни ўз вақтида масъулият билан бажариши, эл-юрт манфаати учун жон куйдириши, ташаббускорлик ва талабчанлик фазилатлари сабабли вилоятда обрў-эътибор қозонди.

Ана шундай раҳбарлик салоҳиятини ҳисобга олиб, **П.Бобононовни янада масъулиятли вазифага — ички ишлар вазири лавозимига тайинладик.**

Шу муносабат билан бугунги сессияда ташкилий масала, яъни Хоразм вилоятига янги ҳоким тайинлаш масаласини кўриб чиқишимиз керак.

Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги сиёсий партиялар гуруҳлари билан, вилоят фаоллари ва оқсоқоллари билан маслаҳатлашган ҳолда, мена катта тажрибага эга бўлган, бир неча йиллар давомида юқори лавозимларда ишлаган, бугунги кунда вилоят ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаётган **Илгизар Матякубович Собиров номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия этаман.**

И.Собиров 1959 йилда туғилган. Ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академияси, Тошкент юридик институти, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Президент девонидан масъул лавозимларда ишлаган. Қўшқўпир тумани ҳокими, Олий Мажлис Сенати Раиси, Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиги лавозимларида фаолият кўрсатган, 2017 йил февраль ойидан буён Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хоразм вилояти Халқ қабулхонаси мудири вазифасини бажариб келган.

Илгизар Собиров Хоразм вилоятининг шароитини, унинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини, бу ердаги раҳбарларни яқиндан билади.

Ишончим комил, меҳнатқаш, азму шижоатли Хоразм эли вилоятининг янги раҳбари атрофида жипслашиб, Хоразм воҳасини янада раванқ топтириш йўлида катта ижобий натижаларга албатта эришади.

Сўзимнинг охирида сизларга, сизлар орқали мард ва олижаноб Хоразм аҳлига сўхат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

## ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ, ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбарининг бу лойиҳаларни янада такомиллаштириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида 2018 йилни Хоразм вилоятида "Тадбиркорликни тубдан ривожлантириш ва инвестициялар йили", деб эълон қилиш таклифи ҳам тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этишда муҳим қадам бўлади.

Шу куни Урганч шаҳрида халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президентимиз тавсиясига кўра, Хоразм вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаётган Илгизар Собиров Хоразм вилояти ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Ташрифнинг иккинчи куни давлатимиз раҳбари Хоразм вилояти мусиқали драма театрини бориб кўрди. Президентимизнинг жорий йил 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, соҳани ривожлантириш, театрларнинг моддий-техник базасини замон талаблари асосида мустаҳкамлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Хоразм вилояти мусиқали драма театри биноси 1975 йилда қурилган. Шу кунларда театр биноси, жумладан, 572 томошабинга мўлжалланган зал капитал таъмирланмоқда. Ёритиш, иситиш ва совутиш тизимлари хорижий технологиялар асосида янгиланмоқда. Театр саҳна декорациялари ва конструкциялари, либослар, грим ва постижёр маҳсулотлари, парда ва бошқа буюмлар билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари театр мутасаддилари билан мулоқотда театрнинг репертуари, ходимлар малакаси ва меҳнат шароити билан қизиқди. Ижодий жамоа фаолиятини кенгайтириш, мазмун-моҳиятини янада бойитиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Театрни ҳақиқий маънавият ўчоғига айлантириш учун, аввало, яхши асарлар керак, деди давлатимиз раҳбари. Хоразмнинг буюк тарихи бор. Улуғ алломалиримиз, шу билан бирга, замонамиз қаҳрамонлари ҳақида саҳна асарлари яратиш зарур. Театр жамоаси томошабинлар билан мунтазам мулоқотни йўлга қўйиши, туманларга чиқиб, спектакллар намойиш қилиши, ёшларни санъатга, маданиятга ўргатиши керак.

Ижодкорлар учун замонавий уй-жой қуриб бериш, театрнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Драматургларни қўллаб-қувватлаш, актёр ва режиссёрлар малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида ҳам бўлди.

Мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ислохотлар юксак самаралар бермоқда.

Урганч шаҳридаги Амир Темур номидаги истироҳат боғи ҳудудда ташкил этилган марказда ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилган. "Ёш чеварлар", "Ёш рассомлар", "Ёш шахматчилар", "Ёш ижодкорлар", "Ёш саргармлар" каби ўндан ортиқ тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилган.

Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонида вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ёшлар марказлари қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, 11 йиллик ўрта таълим тизими жорий этилиши муносабати билан бўшайдиган коллежлар биноларини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли кенгашлари ихтиёрига ўтказиш, уларнинг негизида барча қулайликка, жумладан, кутубхона ва китоб дўконига эга Ёшлар марказлари ва замонавий ёшлар кинотеатрлари, шунингдек, ёшларни, айниқса, уларнинг ушмаган қисmini касб-хунарга тўловсиз ўқитиш марказлари ташкил этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари Ёшлар марказида яратилган шароитлар билан танишди.

Биз бу каби замонавий иншоотларни қўллаб қуришимиз мумкин. Лекин уларда қандай таълим-тарбия олиш, хунар ўрганиш сиз ёшларнинг интилиш ва ташаббусларингизга ҳам боғлиқ, деди Шавкат Мирзиёев. Хоразмлик ёшлар бу борада бошқаларга ўрнак бўлиши керак.

Президентимиз турли сабабларга кўра тўғри йўлдан адашиб қолган ёшларни соғлом ҳаётга қайтаришда уларнинг тенгдошлари ёрдам бериши кераклигини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев вилоятнинг бир гуруҳ фаол ёшлари билан учрашиб, улар билан сўхбатлашди.

Замонавий, мустақил фикрлайдиган, хориждаги тенгдошлари билан бемалол беллаша оладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ёшлар биз бошлаган ишларни муносиб давом эттириш ва янги босқичга кўтаришга қодир бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда сўзга чиққанлар Президентимизга ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган изчил ислохотлар, навқирон авлод камолоти йўлида яратилаётган шароит ва имкониятлар учун миннатдорлик билдирди.

Президентимиз хоразмлик ёшларнинг шижоати, эришаётган ютуқларини янада рағбатлантириш мақсадида Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Озода Исмоиловага Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида малака ошириш учун йўлланма, Гулран маийши хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Шириной Раҳимовага «Spargk» автомобили соғма қилди.

ЎЗА



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI ХУЗУРИДА MADANIYAT VA SAN'ATNI RIVOJLANTIRISH JAMGARMASINI TASHKIL ETISH TUGRISIDA

(Давоми. Боши 1-бетда.)

халқаро ва давлатлараро маданий алоқаларни кенгайтириш, маданият ва санъат соҳасида халқаро маданий ташкилотлар ва хайрия жамғармалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий сармоя ва грантларни жалб этиш, мамлакатимизда маданият ва санъатга доир ҳомийликни ривожлантиришга қўмаклашиш;

маданиятлараро ижодий мулоқотни йўлга қўйиш ва ўзбек санъатининг жаҳон бадийи ва маданий маконига интеграциялашувига қўмаклашиш, шунингдек, мамлакатимизнинг маданий ва илмий-техник салоҳияти ҳамда рақобатдошлиги билан боғлиқ жиҳатларни намойиш этиш;

маданият ва санъат соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шу билан бирга, Ўзбекистон

Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги муассасаларни зарур адабиётлар ва даврий нашрлар билан таъминлаш;

хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз музейлари ва бошқа маданий муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш тизимини такомиллаштиришга қўмаклашиш;

халқаро стандартларга мувофиқ янги маданий муассасалар қуриш учун молиявий маблағ ва қўмак бериш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги муассасаларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларни капитал ҳамда жорий таъмирлаш;

халқаро институтлар, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари, ҳомийлар ва донорлари билан ҳамкорликда лойиҳаларни биргаликда молиялаштиришни ташкил этишни таъминлаш;

жаҳондаги илғор тажрибаларни мамлакатимизда жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида маданият ва санъат соҳасини молиялаштириш бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш;

аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажминини Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги бюджет ташкилотлари фондига тушумларни кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қонунчиликда белгиланган манбалардан тушаётган маблағларни жамғаришни таъминлаш;

ажратилаётган мақсадли маблағлардан тўғри, самарали ва мақсадли фойдаланиш устидан тизимли назорат ўрнатиш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни моддий

рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар учун мақсадли маблағлар ажратиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий ажратмалардан ташқари барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли фондларига мажбурий тўловлардан озод қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Жам-

ғарма фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин, унда, жумладан, Жамғарма ижрочи дирекцияси тузилмасини тасдиқлашни кўзда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 16 октябрь

## САМАРҚАНД ВА БУХОРО ЗИЁРАТИ

Чеченистон Республикаси раҳбари Рамзан Қодиров 17 октябрь куни Самарқанд ва Бухорода бўлди.

Меҳмон Самарқанддаги Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди. Буюк Юртбошимиз қабрига гул қўйиб, ҳурмат бажо келтирди. Қуръон тиловат қилинди.

Чеченистон раҳбари Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуи, Хўжа Дониёр зиёратгоҳи, Амир Темура мақбараси, Регистон майдони ва бошқа диққатга сазовор жойларни томоша қилди.

Буюк муҳаддис Имом Бухорий мажмуаси зиёрати Рамзан Қодиров учун юртимизга ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Меҳмонлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан айна пайтда мажмуа яқинида бунёд этилаётган Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази лойиҳалари билан танишиди.

Шу куни Чеченистон раҳбари Рамзан Қодиров бошчилигидаги делегация аъзолари Бухорода ҳам бўлди.

Хорижлик меҳмонларнинг сафари Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси зиёратидан бошланди. Улуғ пир қабри ёнида Қуръон тиловат қилинди.

Шунингдек, меҳмонлар Бухоро шаҳридаги қарийб 500 йиллик тарихга эга Мир Араб мадрасасига ташриф буюрди. Бу ерда 72 йилдан буён ўрта махсус ислом билим юрти фаолият кўрсатмоқда.

Шунинг билан Чеченистон Республикаси раҳбари Рамзан Қодировнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.

Ғ.ҲАСАНОВ,  
Э.ЁДГОРОВ,  
ЎЗА мухбирлари

## Махтумқули ижодига эҳтиром

*Аждодларнинг маърифат хазинаси — қимматли китоблар бугун ҳам одоб ва эзуқликдан сабоқ бериб, ҳаёт йўлларимизни нурафшон этмоқда. Барҳаёт асарлар кенг тадқиқ қилиниб, қайта нашр этилаётгани авлодларнинг беқиёс эҳтироми ифодасидир.*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида туркман халқининг атоқли фарзанди Махтумқулининг "Сайланма" китоби тақдимотида шулар ҳақида сўз юритилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус, туркман миллий маданият маркази вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев, Туркменистоннинг мамлакатимиздаги Муваққат ишлари вакили О.Хуммиев ва бошқалар тили, урф-одатлари ўхшаш бўлган ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир-бирининг маданияти, адабиётидан баҳраманд бўлиб келгани, бугун ҳам ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорлик фаол ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Махтумқули-Фироғий ижоди халқларимиз дўстлигини мустақамлашда алоҳида аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 6-7 март кунлари Туркменистонга давлат таш-

рифи чоғида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовга Махтумқулининг ўзбек тилида чоп этилган "Элингга бахш айла" китобини совға қилгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Ўзбекистонда Махтумқули асарлари кириб бормаган ҳондонни топиш қийин. Мамлакатимизда шоир ижодий фаолиятини чуқур ўрганиш, шеърларини ўзбек тилига таржима қилиш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилаёттир. "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган Махтумқулининг "Сайланма" китоби ана шундай сазъ-ҳаракатлар натижасидир.

— Туркман халқининг улуғ шоири Махтумқули ижоди XVIII аср маърифий шеърятининг ёрқин намунаси сифатида шўхрат қозонган, — дейди таржимон Муҳаммад Пирриев. — Мазкур нашр Президентимизнинг шу йил 13 сентябрдаги "Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича

комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида амалга оширилди. Ундаги халқчил асарлар миллатлараро дўстликни мустақамлаш, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ туйғуларини улуғлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида камол топтиришга хизмат қилади.

Шоир шеърларида донишмандлик, мардлик, фидойиллик каби инсоний фазилатлар бадийи муҳаббат ва теран фалсафий ифода орқали акс эттирилади. Бу табаруқ сиймо ижодининг тарбиявий аҳамиятини янада оширади.

— Махтумқулининг Хива ва Бухоро шаҳарларида таҳсил олгани, Алишер Навоийни ўзига устоз деб билгани халқларимиз ўртасидаги адабий-маданий ришталар бардавомлигидан далolat, — дейди Тошкент шаҳар туркман миллий маданият маркази раиси ўринбосари Бибишора Ражапова. — Шоир "Сайланма"сининг ўзбек тилида нашр этилгани халқларимиз маънавий яқинлиги ифодасидир.

Тақдимотда Махтумқулининг ҳаёт ва ижод йўли, шеърятининг илгари сурилган долзарб ижтимоий масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,  
ЎЗА мухбири



2017-yil 18-oktabr, № 83 (9044)

# “Мактабимизда пул йиғилмайди”

## ёки “синф фонди” ва “мактаб фонди” учун пул йиғиш қонунийми?

### Ўқитувчилардан тилхат олинган

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида: “Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади”, дея белгилаб қўйилган.

Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 13 июнда қабул қилинган “Халқ таълими муассасасининг Васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 2012 йил 3 июлда 2377 рақами билан рўйхатдан ўтказилган) “Халқ таълими муассасасининг Васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом”нинг 6-боб 24-бандига кўра, таълим муассасасида ўқувчилар (тарбияланувчилар) ва уларнинг ота-оналари (қонуний вакиллари)дан турли сабаблар билан таълим муассасаси раҳбарияти ва бошқа ходимлари (синф раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячи, тарбиячи-ёрдамчилар ва тўғрақ раҳбарлари) томонидан пул маблағларини йиғиш қатъий тақиқланади.

Бу борада Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари томонидан ҳам мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилади.

Шундай бўлса-да, айрим мактаб маъмурияти томонидан синф ва мактаб фонди, таъмирлаш ишлари, фаррошга ҳақ тўлаш, канцелярия молларини харид қилиш, турли байрамларни ўтказиш, ўқитувчи-педагогларга совға-саломлар олиш каби важар билан ўқувчилардан ноқонуний равишда пул йиғиш ҳолатлари мавжуд. “Ота-оналар мажлиси” дейилса, кўпчилик пул йиғишни тасаввур қилади. Оқибатда ота-оналар йиғилишига келиш ҳам ўтирмайди: сўралган пулни фарзандидан бериб юборди, тамом-вассалом.

Мисол учун, Чилонзор туманидаги 195-ИДУМда ўқувчилардан ноқонуний пул йиғиш қатъий тақиқланган бўлса-да, амалда бунга эид ҳолатлар йўқ эмас. 4-, 7-синф ўқувчилари билан суҳбатлашганимизда синф фонди учун 10 минг сўмдан 30 минг сўмгача пул йиғилиши маълум бўлди. Аммо мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Севара Расулова бу маълумотни рад этади:

— Тўғри, ўтган ўқув йилида синф фонди ва мактаб фонди учун пул йиғилган. Чунки ота-оналар кўмагисиз баъзи зарур ўқув қуролларини мунтазам харид қилиш, ободончиликни таъминлаш мушкул.

**Мисол учун, мактабимизда 2700 нафар ўқувчи таълим олади. Чикиндиларни олиб кетиш учун маблағ ажратишда эса бу инобатга олинмайди. 500 ўқувчиси бор мактабга ҳам, бизга ҳам бир хил миқдорда пул берилади. Ёки ўқув биноси ва синфхоналарни жорий таъмирлаш учун ҳар йили маблағ ажратилмайди. Оддий бўрни ҳам ўзимиз оламиз.**

Аммо бу йил ўқувчилардан пул йиғмаслик тўғрисида синф раҳбарлари, пул ўқитувчилари огоҳлантирилиб, тилхат олинган.

Тумандаги 182-мактаб директори Сайёра Абдурахмонованинг айтишича, таълим муассасасида ўқувчиларнинг мактабга етиб келгани ва муассасадан чиқиб кетгани ҳақида ота-оналарга автоматик тарзда хабар йўлловчи турникетдан ташқари ҳеч нарсага пул йиғилмайди.

— Турникет янги ўқув йили бошида “Standard it-sektor” масъулияти чекланган жамияти томонидан ўрнатилди. — дейди Сайёра Абдурахмонова. — Ташкилот мутахассислари мактаб ота-оналар мажлисида ва синфлар кесимидаги йиғилишлар-

*Синфда тарбиявий соат. Ўқитувчи хитоб қилди: “Сентябрь ойи учун синф фондига пул бермаганлар ўрнидан турсин!”. Қимти-нибгина турган уч ўқувчидан бири пулни олиб келиш эсидан чиқиб қолганини, иккинчиси отаси ҳали ойлик олмаганини айтди. Энг сўнгги қиз онаси касаллигини, пул беришга имкони йўқлигини билдирганда ўқитувчи жерик берди: “Утир! Хар дим синфни орқаса тортмасан. Билиб қўй, сен мен учун “ноль”сан!”.*

*Ўқитувчи наздида “ноль”га айланган, яъни унинг учун “синфда йўқ ўқувчи” бўлган қизнинг кўз ёшлари кўзойнаги тагидан юмалади. Шу чоққача фанларни яхши ўзлаштирадиган, ўқишга иштиёқи баланд ўқувчининг мактабдан ҳафсаласи пир бўлиб қайтди. Турли баҳоналар билан мактабга келмайдиган, дарс қолдирадиган одат чиқарди...*

*Афсуски, мактабларда ҳамон учраб турадиган бундай ҳолатлар ҳали суяги қотмаган, гўр болаларда “Синф фонди учун пул бермаслик шармандаликдир, пул бермаганлар биздан бир поғона паст”, деган нотўғри қараш шаклланишига сабаб бўлмайди? Умуман мактабда “синф фонди”, “мактаб фонди” учун ўқувчилардан пул йиғилиши қонунийми?*

да IP-турникетнинг қулайлиги, афзаллиги борасида тушунтириш ишларини олиб боришди. Узоро келишиб, икки томонлама шартнома имзоланган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бу хизматдан фойдаланиш учун магнит карта харид қилиш лозим. Ойлик абонент тўлови — 7000 сўм. Мактабда ўқиётган фарзандлари сони, хизмат турига қараб нархлар ўзгариши, ота-оналарга имтиёзлар берилиши мумкин. Аммо бу икки томоннинг розилиги билан йўлга қўйилмаган, фойдаланиш ихтиёрий бўлган қонуний хизмат туридир. Шу маънода буни ноқонуний пул йиғиш ҳолатлари билан тенглаштириб бўлмайди.

Мактабдаги асл ҳолатни ўрганиш учун ота-оналар, педагогларга саволлар билан юзландик. Узини 5-синф раҳбари Диля Тошбоева деб таништирган педагогнинг фикри бундай:

**— Синфимизда ота-оналар кўмитаси раиси томонидан факат фаррош учун минг сўмдан йиғилади. Менимча, бу сумма ҳеч кимга оғирлик қилмайди. Шу сабабли белгиланган суммани йиғиш қийин кечмайди...**

Афсуски, мактаб мутасаддилари васийлик кенгаши фаолиятининг қонуний асосларини яхши билмаслиги сабабли юқоридаги каби муаммолар вужудга келмоқда. Аслида мактабга тақдим этилган барча хомийлик маблағлари “Халқ таълими муассасасининг Васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом”нинг 4-боб 13-бандида белгиланган тартибда мактаб ҳисоб рақамига кириб қилиниши лозим. Низомнинг 2-боб 4-, 5-бандларига асосан, бу маблағлар таълим муассасасининг ўқув ва моддий-техник базасини ривожлантириш, биносини таъмирлаш, худудини ободонлаштириш, ижодкор ва иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш, турли оммавий тадбирлар, саёхатлар уюштириш, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш каби мақсадлар учун сарфланади.

Таъкидлаш жоизки, низомда синф ва мактаб фонди, фаррошга ҳақ тўлаш, ўқитувчи-педагогларга совғасаломлар олиш масалалари назарда тутилмаган.

Мактаб мутасаддиларининг айтишича, фаррошга бюджетдан ойлик ҳақи ажратилади. Демак, ота-оналарнинг бу борадаги эътирозлари ўринли.

### Айбдор — “ташаббускор” ота-оналар

Бугун боласи мактабга борадиган аксар ота-она, ўқувчилар таълим муассасасида ноқонуний пул йиғилишини тасдиқлайди. Муаммони жиддий-

роқ ўрганишга киришсангиз, пуллар ота-оналар кўмитасининг раиси томонидан йиғилгани ойдинлашади.

**Айрим ота-оналарнинг куракда турмайдиган “ташаббуси” туфайли синфдаги барча ўқувчи айтилган пулни олиб келишга мажбур бўлмоқда. Хатто, педагоглар ота-оналардан турли совға-саломлар учун пул йиғмасликни сўраса ҳам “ташаббускор”лар бунга риоя этмаётгани, пулни кўярда-қўймай ўқитувчининг қўнтакига солиб, уни таъмагирликка ундаётгани айти ҳақиқат.**

Аслида педагоглар пул йиғишни сўраса ҳам, ота-оналар буни қатъий инкор этиши, фарзандларига шу жиҳатдан ўрнак бўлиши зарур.

### Ҳаммаси қонуний

Кузатишлар давомида айрим мактабларда бу масала қонун доирасида ҳал этилганига гувоҳ бўлдик. Юнус-обод туманидаги 5-мактабда ота-оналарнинг хомийлик маблағлари таълим муассасасининг ўқув ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини ривожлантириш, биносини таъмирлаш ва худудини ободонлаштириш ишларига йўналтирилмоқда.

— Мактабимизда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналаридан турли сабаблар билан пул йиғиш қатъий тақиқланган, — дейди таълим муассасаси директори Нодира Йўлдошева. — Агар ота-оналар ихтиёрий равишда ёрдам кўрсатмоқчи бўлса, хомийлик маблағлари васийлик кенгаши фаолиятига оид низомнинг 4-боб 13-бандига кўра, таълим муассасасининг ҳисоб рақамига кириб қилинади. Маблағлардан фойдаланиш йўналишларини белгилаш ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар чорақда таълим муассасаси ҳисобчисининг ҳисоботи эшитилади. Хомийлик пуллари мактабни ободонлаштиришга, синфхоналарни жорий таъмирлашга сарфланади. Низомга мувофиқ, жараён жамоатчилик асосида назорат қилинади.

Наманган туманидаги 1290 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётган 1-мактабда ҳам ота-оналар эътирозига сабаб бўлаётган ҳолатлар борлиги ҳақиқатга нечоғлик ақинлигини ўрганишга ҳаракат қилдик.

— Яширмайман, бу иш бизнинг мактабда ҳам бор, бироқ белгиланган тартиб-қоида асосида амалга оширилади, — дейди ота-оналар кўмитаси раиси Илхомжон Исмаатов. — Одатда янги ўқув йилига тараддуд кўриш, синфхона ва йўлакларни жорий таъмирлаш учун маблағ йиғилади. Масалан, 2017-2018 ўқув йилига тайёргарлик кўрилатганда ўқув неча ота-оналар таълим муассасасини жорий таъмирлаш учун хомийлик ёрдамини кўрсатиш тақли-



### Og'riq

фини билдирди. Масала мактаб ўқитувчилари ва 256 нафар ота-оналар вакили иштирок этган умумий йиғилишда муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди. Унда пул бериш ихтиёрий эканлиги алоҳида таъкидланди. Айниқса, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалардан ҳеч қандай маблағ олинмайди.

**— 650 ўринли мактабда 1200 нафардан эйд ўқувчи икки сменада ўқийди, — дейди ота-оналардан бири Фарҳодир Қосимов. — Икки фарзандим шу ерда таълим олади. Шунча бола кириб чикавергандан кейин, хохлайсизми-йўқми, полнинг бўёғи ўчади, сувови тўқилади. Имкони бўлса, мактабга ёрдам кўрсатиш, хомийлик қилиш ҳам савоб.**

Қолаверса, хомийлик ёрдами кўрсатишнинг қонуний асослари ҳам белгилаб қўйилган. Ота-оналар маслаҳатлашиб, болаларимиз ўқийдиган синфхоналарни таъмирлаш учун кимдир бўёқ, кимдир алебастр олиб берди, яна биров хунари билан кўмаклашди.

Мутасаддилар ота-оналардан йиғилган маблағнинг ҳар бир сўми васийлик кенгаши ҳамда касаб уюшмаси кўмитаси томонидан талабчанлик билан ҳисобга олиниши ва харажатлар рўйхатида киритилиши назоратга олинганини таъкидлади.

— Ота-оналар вакиллари, ўқитувчилар ва мактаб жамоат кенгаши аъзоларидан иборат махсус ишчи комиссия тузилиб, аъзолар иштирокида тегишли далолатнома тузмиз. Унда барча харажатлар, туризм ва чикимлар қайд этилади, — дейди мактаб касаб уюшмаси кўмитаси раиси Абдуваҳоб Булатов. — Масалан, янги ўқув йили учун хомийлар ва ота-оналардан 12 миллион 512 минг сўм маблағ йиғилди. Ишчи гуруҳ билан биргаликда сарфланган ҳар бир сўм бўйича ота-оналар иштирокидаги ялпи йиғилишда ҳисобот берилди. Лекин шунини алоҳида айтмоқчиман, мактабимизда бошқа мақсадлар учун пул йиғиш ҳолатлари йўқ.

Сўнгги икки йилда 1-мактабга янги ўқув йили, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, жорий таъмирлаш ишлари учун бюджетдан маблағ ажратилмаган. “Шу мақсадда туман молия бўлими мутасаддиларига мурожаат қилганмизми?” деган саволимизга эса директор Жамолхон Турсунов “Йўқ”, деб жавоб берди. Сабаби, “Бундай мурожаатдан наф йўқ” эмиш. Директорнинг бу жавобидан қониқмадик. Балки сўров юборилганда, талаб ижобий ҳал қилиниб, давлат бюджетидан маблағ ажратилар, таъмир учун ота-оналардан пул йиғишга ҳожат қолмаган бўларди.

Бизнинг мақсадимиз қайсидир ўқитувчи ёки мактаб раҳбарининг айбини очиб эмас, балки жамиятимизда чуқур илдиэ отиб, юртимиз тараққиётига, ёш авлоднинг пухта билим олишига тўсқинлик қилаётган, ўқувчилар қалбида техникўрлик, поррахўрлик иллатларининг беихтиёр шаклланиб қолишига, ота-оналарнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммони бартафрат этишга мутасаддилар эътиборини қаратишдан иборат. Аслида, жамиятимизнинг зиёли қатлами бўлган устоз-педагоглар бу масалага жиддий қараб, иллат тарқалишининг олдини олишга биздан кўра ҳақлироқдир.

**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,**  
**Насиба ЭРХОНОВА,**  
**Ғанишер АКБАРОВ,**  
**“Ma'rifat” мухбирлари**



Жиззах махсус индустриал зонасининг ташкил этилгани худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожда муҳим ўрин эгаллайди. Бу ерда чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда қатор қўшма корхоналар барпо этилиши кўлаб янги иш ўринларини пайдо қилмоқда. Ишга жойлашайётганларнинг аксариятини хотин-қизлар ташкил этади. Фарзанд тарбияси асосан оналар зиммасида бўлгани учун улар ўғил-қизларини боғчага жойлаш тараддудига тушган. Яқин-атрофда боғча бўлса-ку яхши. Акс ҳолда...

## Янги боғча

оналар оғирини енгил қилади

Шароф Рашидов туманидаги "Якка қайрағоч" маҳалла фуқаролар йиғини худудда ҳам боғча йўқ эди. Ишга жойлашган аёллар фарзандларини бир неча километр узоқликдаги боғчага олиб боришни истамади. Ҳамқишлоқларини қийнаётган бу муаммо Шохиста Тошпўлатовани бефарқ қолдирмади. Асли касби педагог бўлгани учун қишлоқда хусусий боғча қуришга аҳд қилди. Аммо аввалига бу ташаббус кўлаб-қувватланмади. Шундай бўлса-да, Шохиста чекинмади. Аини пайтда у яратилган имкониятдан фойдаланиб, шахсий маблағи ҳисобидан 100 ўринли нодавлат боғча қурилишини бошлаб юборди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 9 сентябрдаги "Мақтаб-гача таълим тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тадбиркорга куч-ғайрат бағишлади, мадад бўлди. Қарорда республикамизда эксперимент тартиқсида давлат-хусусий шериклик шартларида янги MTMларни ташкил этиш белгиланган. Давлат-хусусий шериклик механизми асосида замонавий ва ҳаммабоп MTMларни ташкил этиш учун инвесторларга ер участкалари, бўш турган биноларни 50 йил муддатга бериш кўзда тутилган. Натижада бугун учта бўш турган объектда тадбиркорлар сармоси ҳамда банк кредитлари ҳисобига шу турдаги MTMларни ташкил этиш учун ҳаракатлар бошлаб юборилган.

— Маҳалламизда нодавлат боғча қурилайтгани бизни гоят қувонтирди, —

дейди шу худудда яшовчи Севара Қаҳорова. — 3 ёшли ўғлим бор. Уни уйда қолдириб, ишга чиқишга иккиланардим. Энди янги боғча иш бошласа, муаммога ечим топилади. Бу бошқа оналарга ҳам катта қулайлик яратади.

Қарорда таъкидланганидек, 3—7 ёшдаги болаларни MTMга қамраб олиш кўрсаткичи Жиззах вилоятда ҳам паст. Мисол учун 170 та MTMнинг қамров қуввати 22159 тага тенг бўлса-да, аини пайтда умумий қамров 19,3 фоизни ташкил этади.

Бу муаммони бартараф этиш мақсадида биринчи навбатда қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этишга киришилди. Мавжуд MTMларда 133 та бўш гуруҳлар борлиги аниқланди. Шунинг билан, йил давомида 71 та қисқа муддатли гуруҳ ишга туширилади. Натижада қўшимча 3550 нафар бола MTMга қамраб олинади. Боғча филиалларини кўпайтириш ҳисобига ҳам муаммолар ҳал этиляпти. Ҳозир жойларда 20 та боғча филиали фаолият кўрсатмоқда.

Боғчаларда ўғил-қизларга таълим-тарбия бериш сифати кўп жиҳатдан соҳада меҳнат қилаётган устоз-мураббийлар малакасига боғлиқ. Шу маънода уларнинг касбий салоҳиятини ошириш, моддий-маънавий кўлаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Аини пайтда вилоятда 1563 нафар тарбиячи-педагог фаолият кўрсатаётган бўлса, яна 96 нафар кадрга эҳтиёж мавжуд.

Абдусаттор СОДИҚОВ,  
"Ma'rifat" мухбири

## Мотивация — жараённинг калити



Бошланғич синф ўқувчилари ҳар бир дарсда фаол ва мавзунинг тез ўзлаштиришга интилувчан бўлади. Инглиз тилини ўргатишда уларнинг фаоллиги ва яхши ўзлаштиришидан унумли фойдаланиш мумкин. Юнусобод туманидаги 235-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Муқаддас Маҳаматова ушбу имкониятдан самарали фойдаланиб, дарс жараёнида ҳаракатли ўйинларга кенг ўрин ажратди.

— Бу тарзда дарс ўтиш болага инглиз тили муҳитини яратиш имконини беради, — дейди Муқаддас Маҳаматова. — Чунки инглиз тилини ўқувчиларга ўргатишда мотивация жараённинг калити ҳисобланади. Ўқувчиларнинг чет тилида ўқиш, ёзиш ва оғзаки нутқини бир пайтда ривожлантириш учун қизиқарли топшириқлардан самарали фойдаланаман. Шунингдек, инглиз тилидаги кўғирчоқ театри тўғрисида ўқувчилар билимини мустаҳкамлаб, уларнинг ижодкорлигини доимий рағбатлантириб бораман.

Педагог 4-синфда "Project — I help my parents" мавзусини ўтиш жараёнида ҳам ўқувчиларнинг ҳар бирига маълум қаҳрамонлар ролини ижро этишни топширди ва бу вазиятда болаларнинг инглиз тилида нутқи раван шакллангани намойён бўлди.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

## Патронаж ҳамшира хизмати

касалликларни камайтириб,  
саломатликка эътиборни кучайтиряпти

Жорий "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да тиббиёт тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 20 июндаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017—2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари аҳолига ўз вақтида сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг дастуриламали бўлмоқда.

Соғлиқни сақлаш, Молия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари томонидан "Қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктлари патронаж ҳамшираларининг йўл ҳақи компенсациясини белгилаш ва тўлаб бериш тартиби тўғрисида Низом" тасдиқланди. Унга кўра, 2017 йилнинг 1 июлидан эътиборан қишлоқ жойларда оилаларга бориб тиббий патронажни ташкил қилувчи туман тиббиёт бирлашмалари ва қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж ҳамшираларига компенсация тайинланади. Бунда патронаж ҳамширага бириктирилган аҳоли яшаш жойига бўлган масофа асос сифатида олинади. Яъни, ҳамширага патронаж хизмати кўрсатадиган аҳоли хонадонлари 10 километр ва ундан олдидан жойлашган бўлганда энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда йўл ҳақи учун компенсация тўланади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар самарасини чекка худудларда, қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига кўрсатилаётган сифатли тиббий хизмат мисолида кўриш мумкин. Жумладан, Бахмал туманидаги "Дўснат" ҚВП шифокорлари аҳоли ўртасида тиббий-профилактика тадбирларини ташкил этиб, бирламчи тизим сифатида беморлар саломатлигини тиклашга ўзларини масъул ҳисобламоқда.

— Ёш болали аёллар, парваршига муҳтож қариялар, ногирон ва ўзгалар кўмагига муҳтож шахсларга уй шароитида тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди ҚВП мудирини Тошқул Абдуҳакимов. — Пунктимиз Дўснат, Қоракўрсок, Тенгали сингари 7 та қишлоқда истиқомат қилувчи 9 мингдан ортиқ аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиб келяпти. Ҳар бир қишлоқда алоҳида патронаж ҳамшираси бириктирилган. Дилфуза Қорабоева, Ўғилой Умрзоқова, Феруза Сулаймо-



2017-yil — Xalq bilan muluqot va inson manfaatlarini yili

нова, Насиба Қобилова каби патронаж ҳамшираларининг тадбирлари режалли, пухта. Ҳамшира ҳар куни олти хонадонда патронаж тадбирини ўтказиши зарур. Оилага патронаж ҳамшираси қатнови ортгани сари касалликлар камайиб, аҳолининг ўз саломатлигига эътибори кучаймоқда.

Ҳомиладор аёллар ва хотин-қизлар саломатлигига тиббий муассаса дояси Дилбар Бердиева масъул. Унинг саъй-ҳаракати билан ҳомиладор аёллар ва ўсмир қизларнинг тиббий маданияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Оналар ва болалар ўлими кейинги йилларда умуман қузатилмади.

— Патронаж ойлигига кенг жамоатчилик вакиллари сафарбар этилади, — дейди Дилбар Бердиева. — ҚВПга қарашли 3 та мак-

таб, қишлоқ фуқаролар йиғини, ички ишлар бўлими ходимлари ва бошқа ташкилот вакиллари бизга яқиндан кўмак беришади. Ойликда хонадонларга чиқиб, фертил ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, болаларни тиббий кўриқдан ўтказдик. Кексалар, парваршига муҳтож фуқаролар ва ногиронлар учун тиббий-санитария, реабилитация тадбирларини амалга оширдик. Таълим муассасаларида ўтказилган ҳар бир тадбирнинг мавзуси аниқ: саломатлик — энг катта бойлик. Касалликни бошланғич даврида даволан зарур. Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиш аянчли оқибатларга олиб келади.

Ҳасан МҮМИНОВ,  
"Ma'rifat" мухбири



2017-yil 18-oktabr, № 83 (9044)

Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетида умумтаълим ва ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган ёшлар етакчилари учун ўқув-тренинг ўтказилди. Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Халқаро Вестминстер университети ҳамкорлигида ташкил этилган ҳафталикда ҳудудлардан сараланган энг фаол 28 нафар ёшлар етакчиси иштирок этди.

## Ёшлар етакчиларини бирлаштирган ҳафталик

Мазкур лойиҳа ёшлар етакчилари учун дастлабки тренинг ҳисобланади. Ҳафталикнинг биринчи кунини етакчилар Халқ таълими вазирлигининг ўқувчи ёшлар билан ишлаш бошқармаси лойиҳалари билан танишди. Иштирокчилар тажрибали мутахассислардан лойиҳа тузиш ва бошқариш, лидерлик ва жамоа билан ишлаш, ўқувчилар психологияси, тафаккурни ривожлантириш, намунавий мактабларда жамоат кенгаши тузиш, вақтни тўғри тақсимлаш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш, омма олдига нутқ сўзлаш, қарор қабул қилиш, ўзига бўлган ишончнинг орттириши каби йўналишларда сабоқ олди.



— Бундай ўқув-тренинглар фаолиятимизни ривожлантиради, — дейди Самарқанд шаҳридаги 21-мактабнинг ёшлар етакчиси Меҳрождиддин Назаров. — Муассасамизда икки мингга яқин ўқувчи таълим олади. Иқтидорли ёшлар жуда кўп. Уларнинг қобилиятини тўғри йўналтириб, истеъдодини ривожлантириши учун кўмаклашимиз керак. Муассасамизда “Муваффақият мактаби”ни ташкил этдик. Тренинга Венера Эрматованинг “Тренерлик ва аудитория билан ишлаш” мавзуси бўйича маълумотлари, муваффақиятга эришиш сир-асрорлари ҳақидаги назарий-амалий сабоқлари барчага манзур бўлди. Ўзлаштирган кўникмалар асосида мактабда «Заковат» интеллектуал ўйини, «Баркамол қизлар» ҳамда «Мунозара» клубларини ташкил этишни мақсад қилдим.

Ёшлар етакчилари пойтахтимиздаги 324-намунавий мактабнинг очилиш маросимида ҳам иштирок этди. Маданият ва истироҳат боғлари, тарихий қадимжо ва муқаддас масканларга уюштирилган саёҳат қатнашчилар кайфиятини кўтаришига хизмат қилади.

Ҳасан МҮМИНОВ,  
“Ma'rifat” мухбири

## Дарсни лойиҳалашнинг аҳамияти

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказида “Олий таълим муассасаларида ўқув фаолларини модулли ўқитиш методикаси ва амалиётини” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Тадбирда олий таълим тизимида янгилашган давлат таълим стандартлари асосида инновацион иқтисодий эҳтиёжларига жавоб берадиган малака талабларини ишлаб чиқиш ва амалиётда жорий этиш механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

— Мақсад нечоғлик аниқ бўлса, унга эришиш шунча тез ва осон кечади. Шу боис дарсни тўлиқ лойиҳалаштириш нихоятда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Гулистон давлат университети профессори Бахтиёр Раҳимов. — Айни кунда профессор-ўқитувчилар дарс мазмунини белгиланган вақт оралиғида тўлиқ тушунириш, замонавий таълим технологияларини қўллашда қатор муаммоларга дуч келмоқда. Бу борадаги камчиликларни бартараф этишда аъёнанинг ўқитиш методикасининг ютуқларидан ўқув жараёнида унумли фойдаланиш, психологик, педагогик, методик маҳоратни ахборот технологиялари билан уйғун тарзда қўллаш, дарснинг технологик харитасини тузиб олиш зарур.

Анжуманда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори янгилангани, унга мувофиқ бақалаврий таълим йўналишлари 211 ва магистратура мутахассисликлари 468 та этиб белгилангани таъкидланди. ДТС, ўқув режалари модернизация қилиниб, таълим жараёнига татбиқ этилаётгани, ўқув режага янги фанлар киритилгани ҳақида маълумот берилди. Модулли ўқитиш ва унинг тамойиллари асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш, ўқув мақсадларини топшириқларга айлантириш, янги авлод ўқув адабиётлари яратилишининг методик асосларини такомиллаштириш борасида хулосалар чиқарилди.

Тадбирда “Ўқитувчи фаолиятини лойиҳалаш” монографиясининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Санобар ЖУМАНОВА,  
“Ma'rifat” мухбири

## Чойнак, фаввора, ҳаво шари

ўқувчиларга мавзунини амалий тушуниришда қўл келди

Сергели туманидаги 6-ИДУМ ўқитувчиси Моҳидил Йўлдошева меҳнатидан қадр топган педагог. 25 йиллик фаолияти давомида 45 нафар ўқувчиси билимлар беллашуви ва фан олимпиадасида муваффақиятли қатнашгани (10 нафари республика босқичи ғолиби) ўқитувчи меҳнатининг самарасини белгилайди. “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017” республика кўрик-танловида физика фани бўйича 1-ўринни қўлга киритгани ёш ўқитувчиларнинг муаллима тажрибасини ўрганишга қизиқишини янада кучайтирди.

Муаллима машгулотларда ўқувчилар физик жараёнларни тушуниб етиши, кундалик ҳаётда қўллаши учун дарсларни амалий тарзда ўтади. Бу кўрик-танловнинг республика босқичида яққол намоён бўлди.

— Ўқитувчи меҳнатининг маҳсулини кўрса, руҳи кўтарилади, касбига меҳри ошади, — дейди Моҳидил Йўлдошева. — Педагогларнинг касбий салоҳиятини ошириш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида ташкил этилаётган кўрик-танловлар бизга куч-гайрат бағишламоқда. “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017” кўрик-танловининг республика босқичида 6-синфда “Суюқлик ва газларда босим” мавзусида амалий очик дарс ўтдим. Тугаш идишларда суюқликнинг босимини рўзгорда ишлатиладиган оддий чойнак мисолида кўрсатиб бердим. Ўқувчилар туташ идишларга бир хил зичликдаги суюқлик қуйилса, унинг сатҳи ҳам бир хил бўлишини ўз кўзи билан кўрди. Ёки фавворалар ҳам туташ идишларга мисол бўла олади. Бунда видеоролик орқали айланаётган сув бир хил баландликка кўтарилишини кўрсатиб бердим. Энди ўқувчилар чойнакни ишлатганда ёки фавворани кўрганда гид-

жудлигини айтди. Тажрибани кузатиш орқали эгаллаган компетенцияларини ҳаётий мисоллар ёрдамида кўрсатиб беришди.

Физика экспериментал фан. Шуниси билан бошқа фанлардан ажралиб туради. Моҳидил Йўлдошева ҳамкасбларининг физик ҳодисаларни ўқувчилар тушуниши қийин кечади, деган фикрига қўшилмайди. Боиси, физик билимлар амалий тушунирилса, бола катта қизиқиш билан ўрганади, қонуниятлар моҳиятини англайди. Энг муҳими, ўрганганларини ҳаётда қўллаш компетенцияси шаклланади. Иختирочи ёшлар сафи кенгайди.

Педагогнинг лаборатория машгулотиде тажрибалар ўтказиш бўйича иш усули республика миқёсида оммалаштирилган. Физика таълимига доир янги педтехнологияларни жорий этиш бўйича илгор таклифлари ўрганилиб, 8-, 9-синф “Физика” дарсликлари муаллифлари гуруҳи таркибиде дарслик ва методик қўлланмалар яратди. Устоз-шогирд мактаби аъёнанига биноан ёш ўқитувчиларга ҳам дарсларга масъулият билан қарашни ўргатишдан чарчамайди.

— Ҳар бир дарсни бошлашдан олдин ўзимга устозим бу



Йилнинг энг яхши о'қитувчиси

шеванинг шогирди. У Қуёш-физика илмий текшириш институтиде илмий изланишлар олиб бориб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

— 6-синфда бу фан ўтилган биринчи дарсданок физик ҳодисалар ҳақида ўйлайман, — дейди Исроил Йўлдошев. — Устозим физика ҳаракатларни ўрганадиган, кўз илғамас сирларнинг моҳиятига етишга ёрдам берадиган фанлигини айтган эди. Уша сабоқлар тақдир йўлимини белгилегани.

Ўқувчи иқтидорини аниқлаш, танловларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун ўқитувчи қай йўсинда иш тутгани маълум, деган савол билан Моҳидил Йўлдошевага юзланди.

— Аслида иқтидорсиз ўқувчининг ўзи йўқ, — дейди педагог. — Ҳар йили ўқувчиларим билимлар беллашуви ва фан олимпиадасининг турли босқичларида ғолиб бўлади. Бу, албатта, тинимсиз меҳнат ва изланиш самараси. Танловларга бир ёки икки ўқувчини тайёрлаш билан чекланмайман.

Барча ўқувчиларини фанга қизиқтириб, дарсликдан ташқари манбалар билан ишлашга ўргатаман. Мисол ва масалалар ечишда ўзим бевосита кўмаклашмайман, аксинча, ечимларни қандай излаш усулларини таклиф қиламан. Зийрак, фан моҳиятини чуқур ўзлаштираётган бола жараёнда тўғри йўлни танлай олади.

Шу тарзда синфда рақобат кучаяди. Ички мусобақаларда сараланган йигит-қизларни билимлар беллашувининг кейинги босқичларига тавсия этаман.

Чиндан ҳам бу каби кўрик-танловлар педагоглар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириб, ўзаро тажриба алмашиш имкониятини яратмоқда. Энг муҳими, ўқитувчиларда ташаббускорлик, янгиликка интилиш каби хислатлар шаклланмоқда.

Насиба ЭРХОНОВА,  
“Ma'rifat” мухбири  
Б.РИЗОКУЛОВ  
олган суратлар.



ростатик босим формуласини ёдга олади. Кейинги босқичда уларнинг билимини 2 та осон, 2 та ўртача мураккабликдаги ва 1 та мураккаб масала ёрдамида текширдим. Ўқувчилар муаммоларга тушуниб, ечим излашди. Сўнг диққати муаммоли вазиятга қаратилди: экранда ҳаво шарининг катталашини кўрсатилди. Ҳаво шарининг кенгайиши ниманинг ҳисобига рўй бераётганини сўраганимда барча бирваракайига босим фақат суюқликларда эмас; газларда ҳам мав-

мавзуга қандай ёндашарди, деб савол бераман, — дейди унинг собиқ ўқувчиси, Яққасарой туманидаги 86-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Азиз Азимий. — Моҳидил Йўлдошева бизни дарс жараёнида фикрлашга, ишлашга ўргатган. Шунинг учун мен ҳам ўқувчиларга тайёр билимини беришдан кўра, уларни мавзу устида ишлашга йўналтираман.

Ислол Қаримов номидеги Тошкент давлат техника университети ўқитувчиси Исроил Йўлдошев ҳам Моҳидил Йўлдо-



## Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси — муҳофазада



“Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёт-корона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 50-модда)

Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз, Яқабоб ҳамда Қамаш туманлари ҳудудида, Хисор тоғ тизмаси гарбий ёнбағрида денгиз сатҳидан 1800—4349 метр баландликда жойлашган “Хисор” давлат қўриқхонаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилаётган энг йirik масканлардан бирidir. Вилоятдаги Мираки ва Қизилсув қўриқхоналари билрлаштирилиши натижасида ташкил этилган муҳофаза худуди Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфидида Қўриқхона Хисор тоғ тизмаси шимолий-гарбий тармоқларида табиий биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш мақсадида ташкил этилган. Шунингдек, табиий жараёнлар кечишини ўрганиш, флора ва фауна манбаларини

муҳофаза қилишнинг илмий асосларини амалиётга татибиқ этиш чора-тадбирлари қўриқмоқда. Қўриқхона худуди 80986 гектарни ташкил этади.

Марказий Осиё тоғларида учрайдиган ақсарият ўсимлик турлари бу худудда мавжуд бўлиб, таркиби бой ва турлитумандир. 850 турдан ортик ўсимлик илмий жиҳатдан ўрганилган. Улардан айримлари релик ва эндемик турлар ҳисобланади. Қўриқхона худудида ўсадиган тубеген лолара, Бобров астрагали, Ўзбекистон чинни гули, сунбул, коврак, Қашқадарё астрагали, улуг лолла, сарғиш лолла, ёввойи чилонжийда, ширач каби ноёб ўсимликларнинг 34 тури мамлакатимиз “Қизил китоб”ига киритилган. Худудда

150 дан ортик доривор ўсимлик ўсади.

“Хисор” давлат қўриқхонасининг ҳайвонот олами хилма-хиллиги билан барчани хайратга солади. Балиқнинг 2, судралиб юрувчиларнинг 17, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг 2, қушларнинг 116, сутэмизувчиларнинг 31 тури учун бу худуд муҳофаза макони бўлиб хизмат қилмоқда. Қўриқхона худудида яшовчи қушлар рўйхати узундан-узук. Қора лайлак, болтаютар, қумой, оқ бошли қумой, тасқара, бургут, лочин каби қанотлилар ноёб тур сифатида Ўзбекистоннинг “Қизил китоб”ига киритилган. Олмаохонлар оиласига мансуб ўрмон олмаохони, кемирувчилардан қизил суғур, йиртқичлардан қор қоплони йўқолиб кетаётган тур

сифатида табиатни муҳофаза қилиш бутунжаҳон иттифоқи “Қизил китоб”ига киритилган. Қўштуёқлилар оиласидан эса тўнғиз, Сибирь тоғ эчкиси бу ерда кўп учрайди.

Қўриқхонада жайра, қизил суғур ва илонларнинг кўглаб турларини учратиш мумкин. Умуртқасиз ҳайвонларнинг тахминан 3000 тури мавжуд бўлиб, мутахассислар 950 жониворни илмий жиҳатдан ўрганишган. Тадқиқотчилар маҳаллий шароитда бу турларни яшаш, кўпайиш ва табиий муҳитда тутган ўрни нуқтаи назаридан ўрганадилар. Қўриқхона худудида мавжуд доимий музликлар денгиз сатҳидан 4000 метр баландликда жойлашган бўлиб, Северсов ҳамда Ботирбой музликлари (умумий майдони 3155 гектар)дан Оксуб ва Тўртқўйлик дарё ўзанлари бошланади. Оксуб дарёсига қўшилувчи катта ирмоқлар Филон, Тамшун, Сувтушар сойларининг шовуллаши узокдан қулоққа чалинади. Танхождарёнинг бошланиш қисми денгиз сатҳидан 2170 метр баландликда жойлашган Газнова кўли бўлиб, Қаршиқўл, Ингичка, Саритўқай, Саритут ирмоқларидан иборат.

— Қўриқхонамизда 56 нафар ишчи-ходим хизмат қилади, — дейди қўриқхона дирек-

торининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Бахтиёр Оромоов. — Қўриқхона Филон, Мираки, Танхождарё, Қизилсув бўлимларидан иборат. Умумий ер майдони 17 та сарҳад, 54 та айланаб бўлакчаси (квартал)ни ўз ичига олади. Ҳайвон ва қушлар сонини аниқлаш, кўпайиш даврини ўрганиш, қайси турга худуднинг қаери мослигини кузатиш доимий диққат-марказимизда туради. Яшаш ареаллари ва овқатланишини ўрганиб бориш учун қўриқхонамизга келтирилган 30 та фото ва 6 та видеокамерани бўлимлар худудига қўйиб чиққанмиз. Олинган тасвир ва суратлар таҳлилушуни кўрсатадики, Қизилсув ва Танхождарё бўлимларида йўқолиб бораётган сутэмизувчи ҳайвонлардан қор қоплони 13 та, Туркистон силвосини 34 та ва Тяньшань кўнгири айғири 61 та бўлиб, бошқа бўлимларга нисбатан кўпроқ учрайди. Тасвирлар муайян турнинг бир жойдан иккинчи жойга ўтиш йўлакларини, кўпайиш даври, туллаш вақти, овқатланиши ва яшаш ареаллари тўрисида маълумот беради.

Қўриқхона жамоаси ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи юқори бўлган табиат бойликларини муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифага онгли ёндашмоқда. Улар биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, келажак авлодга мерос қилиб қолдиришдек улуг мақсадни кўзлаган.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,  
«Ma'rifat» муҳбири

### Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллиги oldidan

## Она табиат азият чекмасин!

«**Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.**

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 55-модда.)

Серкўёш юртимиз табиати шу қадар фусункор, бетакрорки, уни таърифлашга сўз ожиз. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун бир зум тўхтаб, теварак-атрофини гизга назар ташлаб кўринг-а. Далалару боғлар, қир-адирлар, кўкка бўй чўзган сервикор, қорли тоғлар, улар кўксидан отилиб чиқаётган мусаффо чашмалар, сокин ёки шиддат билан оқаётган дарёлар, она заминимиз бағрида ўсаётган минг дардга даво турфа гиёҳлар, сайроқи қушлар, хуллас, барчиси хайратомуз.

Бирок ўтган аср ўрталаридан бошланган ногўрри хатти-харакатларимиз, режасиз ишларимиз билан она табиатга катта зийн етказдик. Орол денгизини бой бердик. Унинг ўрнида салкам 5 минг гектарлик Оролқум пайдо бўлди. Денгиз қуриши натижасида унинг тубидаги туз, қумлар кучли шомол таъсирида учиб, бутун Қорақалпоғистон ҳамда Хоразм, Бухоро вилоятларининг экин майдонларини ярқосиз ахволга келтирмоқда.

Ўсимлик турлари ҳам йил сайин камайиб, Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”и саҳифаларидан жой олмақда. Қай бир манзилда бўлмайлик, инсониятнинг ногўрри хатти-харакати туфайли табиат зарар кўраётганига гувоҳ бўляпмиз. Мана сизга оддий бир мисол, ёзинг ҳазирама кунлари хушманзара, сўлим гўшларда, дарё бўйларидида хордик чикаришни исътаймиз. Дам олиб бўлгач, турли елим



ва шиша идишлар, консерва қутилари, қоғозлар, сабзавот ва мева пўчоқларини дуч келган жойга улоқтира-миз. Бу ҳам етмаганидек, атрофдаги нафис гуллар, ноёб ўт-ўланлардан гулдаста исъай-

миз. Яқинда ҳам дугонам билан шундай ачинарли ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Тоққа кўтарилган сайин ҳар қадамда чикиндилар уюмига дуч келиб, табиатга ачинаиб кетдик. Булар табиатнинг мувозанатига таъсир қилмасдан қолмайди.

### “Қизил китоб”нинг яшил олами

Республикаимиз худудида 4500 дан зиёд ўсимлик турлари ёввойи ҳолда ўсади. Ер шарининг бошқа қисмида — Европада бундай ранг-баранглик мавжуд эмас. Масалан, худуди бизникидан анча катта бўлган Германияда 2700 тур ўсимлик ўсади. Лекин инсониятнинг табиатга етказган зарари, шафқатсизларча муносабати туфайли 4500 дан ортик турнинг 301 таси Ўзбекистон Республикасининг 1998 йили эълон қилинган “Қизил китоб”ига киритилган бўлса, 2006 йилдаги нашрига 305 тур, 2009 йилда нашр этилган “Қизил китоб”га 324 тур ўсимлик киритилди. Улар орасида жиҳдий муҳофазага муҳтож кўпгина камёб, эндем ва реликт турлар ҳам бор. Бундай турларнинг сони 400 атрофида бўлиб, улар Ўзбекистон флорасининг 10—12 фоизини ташкил этади. Афсуски, тахминан 12 фоз “яшил дунё” йўқ бўлиб кетиш арафасида. “Қизил китоб”нинг 2009 йилдаги нашрига ўсимликлардаф

камёблиги аниқланган 6 тур ва замбуруллардан 5 тур илк бор киритилди. Астраганнинг 36 тури, лоланинг 18 тури, қаррақнинг 8 тури, зўрчанинг 6 тури, қандим(жузгун)нинг 5 тури, пивздошлар оиласидан 10 тур, ширачдошлар оиласидан 12 тур шулар жумласидандир.

### Йўқолиб кетган

ёки йўқолиш арафасидаги камёб турлар

Умуман йўқолган ёки йўқолиш арафасидаги ўсимлик турлари бир неча бўлиб, улардан бири омонқўтон танга ўти. Бўйи 70—85 см.га етадиган кўп йиллик бу ўт май ойда гуллабди. Зарафшон тоғининг Тахтақорача дово-нида учрайди. Пушти гулли пивёзнинг тақдирини ҳам шундай. У Жанубий Помир — Олойддаги камёб эндем ўсимлик бўлиб, асосан қумларда ўсади. Бу тур бутунлай йўқолган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Марказий Осиё ноки Фарбий Тяньшанда йўқолиб кетган тур. Фақат Писком дарёси бўйларидида Испай ва Муллали қишлоқларида ўсади. Чимён флотоидеси, улғувор кўзгал, Сўғд қаррағи, сафсан ҳурмо, Уғом бадани каби ўсимликлар ҳам айрим худудларда йўқолиб кетган турлар саналади. Мана сизга “Қизил китоб”га абадий номлари муҳрланган яшил дурдоналаримизнинг аянчи тақдирини. Табиатимизда йўқолиб, камайиб бораётган ўсимлик турларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга бекаму кўст қолдириш — инсоний бурчимиз.

### Она табиатдан меҳримизни дариг тутмайлик!

Қайд этилганидек, ўсимлик турларининг 400 га яқини эндем хусусиятга эга, яъни, бу турлар дунёнинг бошқа бирор худудида учрамайди. Фақат

Марказий Осиёда, аникроғи, Ўзбекистонда ўсади, холос. Дунё биохилма-хиллиги нуқтаи назаридан қараганда, бу турларни омон сақлаш сайёрамиз яшиллигини асрашдай муҳим. Дунёда 600 га яқин пивёз тури бўлиб, шундан 230 турдан ортиғи ўлкаимизда унади. Ёки ширачларни олайлик, уларнинг хилма-хил турлари мавжуд ёки дунёга донги кетган, гоғтада нафис ёқут лолалар шу маконга томир отқандир. Шу турлардан биттасини йўқотсақ ҳам, уни қайта тиклаб бўлмайди. Зеро, табиатда бизга кераксиз бўлган бирорта ҳам тур йўқ, ҳар бирининг ўз ўрни бор. Улар ўзаро мувозанатда яшайди. Бу мувозанатни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мувозанат бузилса, табиат ҳам вақти келганда насос олиши муқаррар.

Ўтган асрнинг 60—70-йиллари Амударёга кўприк қурилмаган эди. Уша вақтларда Беруний ва Тўртқўй туманларида истиқомат қиладиган қариндошларимизни қўрган тез-тез борар эдик. Амударё шундай жўшқин оқардики, нариги қирғоқ жуда узокдан кўринар, ундан фақат катта қоқма-ларида ўтиш мумкин эди. Дарёнинг икки соҳили тўқайзор бўлиб, ширини, қамиш, юлғун ва туронгилар қалин яшил ўрмонлар ҳосил қилган, хатто одамлар бу жойлардан ўтишга ҳайкардди. Чунки ёввойи тўнғизлар, шокол, қайбўри, тулки, қоракўлоқ, силвосин каби йиртқич ҳайвонлар кўп эди. Мана, орадан 40-50 йил ўтиб, дарёнинг икки қирғонидида тўқайзор, қамишзор, хуллас, яшил оламини, бу ерга келадиган қуш ва ҳайвонларни буткул йўқотдик.

Она табиатимизнинг ранг-баранглиги кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас, балки бир неча минг йиллар давомида ажодларимиздан қолиб келаётган бебаҳо меросдир. Бизнинг зиммамизда эса она табиатимизни асраб-авайлаб, келажак авлодларга қолдиришдек муҳим вазифа турибди. Зеро, табиатни қўриқлаш Ватанини қўриқлаш билан баробардир.

Марҳамат МАТВАФОВЕВА,  
биология фанлари номзоиди



2017-yil 18-oktabr, № 83 (9044)

## 21-oktabr — «Davlat tili haqida»gi qonun qabul qilingan kun

*Она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш ўта муҳим масалалардан. Тил руҳий-ижтимоий ҳилқат бўлгани учун унинг ижтимоий вазифаси ҳам асосан тарихий шарт-шароит, ижтимоий тузум, аниқроғи давлатнинг тил сиёсати ва халқнинг руҳиятига боғлиқ. Йигирманчи асрда шўро салтанатида марксча фалсафага асосланган коммунистик мафкура яксаҳоким эди. Шу боис, бир тилга имтиёз берилиб, бошқаларники номигагина ташвиқ этиларди. Бу жараён турли шакл ва кўринишда гоҳ яширин, гоҳ ошқора давом этганидан мустамлака халқларнинг адабий тили ижтимоий ва руҳий вазифасини тўлиқ бажаришдан маҳрум бўлди. Олиму зиёлилар маънавий жиҳатдан иккига ажралди.*

Бир тоифа зиёли болшовойлар халқни алдаганини идрок этиб, нозилигини ошқора айтди. Миллатни уйғотиш уйғонганларнинг вазифаси дея ҳаракатга тушди. Абдулҳамид Чўлпон "Бузилган ўлкага" шеърда "Нега сенинг эрки кўнглинг эрк бермайди қулларга?" деб ҳайқирди. Фитрат туркий (ўзбек) тилини бахтсиз тил деб фарёд чеқди. Рухи уйғоқ зиёлиларнинг 60-йиллардаги авлоди очик курашиш имкони йўқлигидан мустамлакачилик сиёсати билан мураса қилиб бўлмаслигини раэмий йўл билан ифодалади. Абдулла Орипов социализм отлиғ тузумда энг истеъдодли инсон (тилла балиқча) ҳам дунёни кўлмақ ҳовуз деб билишга маҳкум этилганини алам билан ёзди.

Иккинчи тоифага мансуб шоиру носир, адабиётшунос, тилшунос, ҳатто файласуф ҳам миллий руҳни бой бериб, маънавий тутқунликка бўйин эгди. Бошқача айтганда, совет ҳокимияти бутун билими ва иходини марксизмни улуғлашга бағишлаган илмий ходимлар авлодини шакллантирди. Тилшуносларнинг аксари уларга қўшилди. Масалан, 1980 йилда талабаларга мўлжалланган она тили дарслигида рус тилини фақат зиёлилар эмас, ишчи ва колхозчилар ҳам севиб ўрганмоқда, рус тили иккинчи она тили функциясини бажараётир деб ёзилди. Ўзбек тилининг илмий грамматикасида (1975) эса *Болалар ўқидилар* каби гапда кесимнинг ҳам эгага қараб кўплик кўрсаткичи олиши ҳодисасининг одатга айланиши рус тилининг ўзбек тили тараққиётидаги прогрессив ролини кўрсатади, дейилди. Адабий тил меъёрига хос ўзгарувчанлик учун рус тилининг

*Амалдаги қоидага кўра китоб бирлик, китоблар кўплик деб қаралади. Ваҳоланки, бу қоида рус тилининг хусусиятини акс эттириб ўзбек тилидаги от туркумига оид сўзларнинг хусусиятига қисман мос келмайди. Негаки, китоб оти бирлик, кўплик ва умумийлик маъноларига бетараф.*

таъсири асос сифатида олинди. Бу таъсири ижобий қилиб кўрсатиш учун матбуот тилига таянилди. Бошқача айтганда, жамият аъзоларига муҳбир нутқи намуна, ўрнат қилиб кўрсатилди. Ҳолбуки, умумий ва назарий тилшунослик асосчиси В.Хумбольт фикрича, бу масалада ёзувчи ва тилшунослар намуна, ўрнат бўлиши ва халқ тилига ишлов, сайқал бериб яна халқнинг ўзига қайтариши керак. Адабий тил ва унинг меъёрини назарий жиҳатдан асослаб берган Прага тилшунослик мактабининг йирик намояндаси академик Б.Хавранек ҳам мазкур масалада В.Хумбольтнинг фикрига таяниб иш тутди. У адабий тил меъёри назарий аралашувсиз, яъни лисоний ва нолисоний назариялар иштирокисиз яратилмайди деб ёзди.

# Меъёр ва Аниқлик лозим

Шева меъёри эса жамиятнинг аралашувсиз шаклланади.

Истиқлол арафасида "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши тил мустақиллигини таъминлашдаги пойқадам бўлди. Ўзбек тилининг грамматика, лексикология, услубият, пунктуация каби бўлимларини ислоҳ этиш масъуляти, энг аввало, тилшунос олимлар зиммасига тушди. Бироқ турли сабабга кўра ўзбек тилининг қурилишига мос келмайдиган айрим грамматик мавзу қоидаси ҳозирга қадар ислоҳ этилмай олиму зиёлиларнинг эътиборидан четда қолиб келмоқда. Шундай мавзулардан бири от орқали микдор, сон маъносининг ифодаланишидир. Амалдаги қоидага кўра китоб бирлик, китоблар кўплик деб қаралади. Ваҳоланки, бу қоида рус тилининг хусусиятини акс эттириб ўзбек тилидаги от туркумига оид сўзларнинг хусусиятига қисман мос келмайди. Негаки, *китоб* оти *бирлик, кўплик* ва *умумийлик* маъноларига бетараф. Шу боис гап (матн) улардан қай бири учун қулай бўлса, ўшаниси намоён бўлади. Масалан: *Китоб деган нарса одамга илм берса* (А.Қаҳҳор). Бу гап уму-

мийлик маъноси учун қулай, негаки умуман китоб назарда тутилган. Кўйидаги мисолда *китоб* бирликни билдиради. Бунга кўрсатиш олмоши (бу) қулайлик туғдиримоқда: *Ёзувчининг бу китоби тарихий мавзуга бағишланган*. Гапда бирдан ортиқ микдор маъносини билдирувчи сўз қўлланса, *китоб* оти кўпликни ифодалаш учун хизмат қилади: *Столда бешта китоб турибди*. Бундай ҳолларда қулайлик гап(матн)даги лисоний восита ёрдамида ҳосил бўлмоқда, дейилади. Бу вазифани нолисоний омил ҳам бажаради. *Бола азиз, одоби ундан азиз* деган мақолда *бола* отида *умумийлик* маъноси намоён бўлмоқда. Бунга мақолнинг тарихий-маданий матн эканлиги имкон беради. *Дарахнинг барги тўқилди*, деганда кўп барг ан-

глашилади. Бунга мантиқан аёнлик имкон беради. Ҳазонрезликда дарахдан битта барг тўқилмаслиги ҳаммага маълум. Бундай ҳолда кўплик маъносининг намоён бўлишига нутқий вазият (ситуация) қулайлик туғдиради.

Ўзак, негиздан иборат отнинг уч хил микдор маъносини ифодалай олиши туркий халқнинг дунёни идрок қилиш тарзи билан боғлиқ. Бу хусусият борлиқдаги мавжудотнинг тушунчага айланиш даврида шаклланган. "Девону луғотит турк"ка мурожаат қилайлик: *Ивриқ идиш ти-*

негиздан умумийлик ва кўплик маънолари англашилади: *Соч ҳам тўқилмоқда, омонатдир тиш, Изгирин юракка ураётир ниш, Баҳорин бетўхтов қиш томон ўтди, Ёз, кузни қисқартиди машаққат, ташвиш* (Абдулла Орипов).

Озгаки нутқ маъсули бўлган мақол матннинг бошқа турларидан ажралиб туради. Икки жилдли мақол тўпламида бирорта отга -лар қўшилмаган. Ҳолбуки отнинг бир қисми кўплик (1), бир қисми умумийлик (2), яна бир қисми бирликни (3) билдиради: 1) *Яхши йигит юрт тузар, Ёмон йигит юрт бузар*. Бир киши *минг киши* учун, *Минг киши* бир киши учун; 2) *Олим сўзи оз, Оз бўлса ҳам соз*. *Фоз тўдаси йўлбошчисиз учмас*; 3) *Ватан учун ўлмоқ ҳам шараф*. Отнинг ўзак, негизи мақолларда уч хил маънога бетараф бўлиб, уларни лисоний восита ва гайрилисоний омил ёрдамида ифодалайди. Шунга кўра, бундай отнинг маъносини аниқлашда гап (матн)га таяниб иш кўришга тўғри келади.

Мақоллар тарихан турли даврда, турли худудда яратилган. Уларда она тилининг барқарор, яъни ўзига хос хусусияти акс этган. Ҳозиргача ҳам барчага тушунарли. Бундан меъёр белгилашда мақолга ҳам асосланиш жоизлиги англашилади. Аммо меъёр белгилашда, шу жумладан, мазкур отларнинг маъносини аниқлашда рус тилига таянилади. Бундай отлар фақат бирликни бил-

*Токи русча қолип ва андозалардан воз кечиб, араб тили билан ўзбек тили тузилиши орасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни инобатга олиб ўзбек тили қурилишини муस्ताҳкам назарий асосга таяниб ислоҳ қилмас ҳамда ислоҳот натижаси умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим дарсликлариди қоида қилиб берилмас экан, фақат озгаки эмас, ёзма нутқнинг ҳам барча турида хато ва қусур кўпаяверади.*

ра тузишда шу инобатга олинган. Мазкур мисрада отни таъкидлаш назарда тутилмаган, шу сабабли кўплик қўшимчаси тежалган. Акс ҳолда -лар тежалмайди: *Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади, Кўзларинга кеча тонг отгунча уйку келмади*. Бу байтда кўплик қўшимчаси ошиқнинг изтиробини бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади. Демак, -лар ҳис-туйғу ифодалаш учун қўлланган.

Отнинг ўзак, негизи кўплик ифодали олишини яхши англаган ёзувчи ҳам тежамкорликка риоя қилади: *Урин қатор ва бир-бирига тақаштириб солинган эди* (А.Қодирий. "Меҳробдан чаён"). Гапда кўплик учта сўз(қатор, бир-бирига, тақаштириб)дан англашилади. Шунинг учун от(ўрин)га -лар қўшилмай тежалган. Оқоридидаги каби тарихий қўлланиш ҳозирги кунда ҳам барчага тушунарли экан, отнинг -лар олмаган шакли маъносини қоида қилиб беришда албатта инобатга олинмоғи даркор.

Бундай қўлланиш ҳозирги кунда ҳам шоиру носирлар ижодида учрайди:

*Ишларинг юришиб тургани асно, Кўпайиб кетади хешу акраб* (Абдулла Орипов).

Таъкид назарда тутилганидан биринчи мисрада отга -лар қўшилиб, кўплик намоён бўлган. Иккинчи мисрада бу вазифани жуфт отнинг ўзгаки бажармоқда. Демак, отнинг ўзгаки билан -лар олган шакли маънодош. Кўйидаги бандда эса отнинг ўзак,

диради, деб умумий ўрта таълим ва олий таълим дарсликлариди қоида қилиб берилди. Натижада, бу қонун адабий тилга хос умуммажбурийлик мақомини олди. Биринчи галда ўқувчи, абитуриент ва талаба шуурига сингдирилди. Далил учун 1993 йилда нашр этилган 2-синф «Она тили» дарслигиндан битта мисол келтираемиз: *Ўзбекистонда ўзбеклар, руслар, арманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, тожиклар, туркманлар, татарлар ва бошқа турли халқлар аҳил яшайдилар ва меҳнат қиладилар*. Ушбу гапда тежамкорликка риоя қилинса, уюшқ эганинг охиригисига -лар қўпилади холос. Шунда бу қўшимча саккиз марта, кесим ҳам назарда тутилса жами ўн марта ошиқча қўллангани маълум бўлади.

Токи русча қолип ва андозалардан воз кечиб, араб тили билан ўзбек тили тузилиши орасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни инобатга олиб ўзбек тили қурилишини муस्ताҳкам назарий асосга таяниб ислоҳ қилмас ҳамда ислоҳот натижаси умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим дарсликлариди қоида қилиб берилмас экан, фақат озгаки эмас, ёзма нутқнинг ҳам барча турида хато ва қусур кўпаяверади. Бу қусурга тилшунос, адабиётшунос, носир, шоир, драматург ва журналистлар диққат қаратиб, она тилимизнинг кемтик жойларини тўлдиришга бел боғласалар, айна мудоао.

Ғани ЗИКРИЛЛАЕВ,  
Фирӯз САҒАРОВ



# Атмосферага тоза ҳаво керак

шу боис олимлар уни тозалашнинг янгича усуллари топишмоқда

**Маълумотларга кўра, ҳар йили атмосферага 150 миллион тонна олтингурут оксиди, 60 миллион тонна азот, 300 минг тонна қўроғош ва бошқа чиқиндилар тарқалади. Бунга аксарият ҳолларда инсоният тамаддунининг ривожланиши бошқичада яратилган транспорт воситаларининг ниҳоятда кўпайиши ҳам сабаб бўляпти.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, экологиянинг бузилиши бугун ер юзиде кўпайиб бораётган онкологик касалликларнинг асосий сабабчиси айланди. Халқаро ташкилот томонидан 2012 йилда ҳавонинг ифлосланиши оқибатида етти миллионга яқин кишининг бевақт ҳаётдан кўз юмгани қайд этилган. Бу кўрсаткичнинг вақт ўтгани сайин камайиш ўрнига ортиб бораётгани кўплаб инсонпарвар ташкилотлар вакиллари, хусусан, дунё олимларини ҳам ташвишга солмоқда. Экологиянинг ифлосланиши бориши инсонларнинг умр кўриши даражаси қисқариб, туғилажак қақалоқларнинг она қорнидаёқ қандайдир касалликка учрашига олиб келмоқда.

Ҳавонинг табиий ифлосланиши сайёрамиздаги 500 дан ортук вулкон, чангли бўронлар натижасида рўй беради. Аммо атмосферанинг механик ва кимёвий ифлосланиши улардан бир неча баробар зарарлироқ. Хусусан, катта-кичик заводлардан чиқадиган чиқиндилар, нефтнинг ёниши, чангсимон, газсимон, кимёвий реакцияга киришадиган моддаларнинг бари ҳавони заҳарлайди. Шунингдек, табиий газ, электр токи, йирик қозонхоналар ҳам атраф-муҳит ифлосланишига таъсир кўрсатади. Айниқса, транспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли тутунлар жиддий ҳаф туғдирар экан.

Айтиш мумкинки, атмосферага тарқаладиган зарарли моддаларнинг ўртача 70 фоизи транспортлар ҳиссасига тўғри келади. Автомобилларнинг заҳарли газларидан ташқари, йўл қопламаларида ейкаладиган резинали гилдрмаклардан чиқадиган чанг кўринишидаги минглаб тонна резина зарарлари ҳам тўғридан-тўғри ҳавога сингади. Машиналарга бензин билан тушиб, тутун билан ташқарига чиқадиган қўроғошнинг зарарини-ку, айтмас ҳам бўлади. Шунга қарамай, ривожланган давлатларда катта-катта шахарлар кўчалари йилдан-йил транспорт воситалари билан тўлиб-тошмоқда.

Муаммонинг ечими устида бош қотираётган олимлар шахарларда транспорт воситалари қатновини чеклаш ҳақида ҳам ўйлаб кўрган. Лекин бу қайнаб турган вулконни тўхтатишга уринишдек гап. Мутахассислар гарчи амалий натижаси узоқ вақт талаб этса-да, экологик зарарсиз транспортларни ишлаб чиқариш гоёсига кўпроқ умид боғлашмоқда. Унгача эса ҳавони тозалашнинг мақбул усуллари ўйлаб топиш лозим.

Дизайнер ва муҳандислар ҳам замонавий технологиялар лойиҳасини яратишда аввало атмосфера ҳавосига нечоғлиқ таъсир этишини инобатга олишмоқда. Бу ҳам маъзур эзгу йўлдаги самарали усул, деб ҳисоблаш мумкин.

Хитой — сайёрамиздаги экологияси бузилиши энг юқори даражадаги минтақа экан. Мамлакатнинг айрим sanoatlashgan шахарларида ҳатто нафас олиб бўлмай қолган. Бу эса хитойлик олимларни атмосферани тозалашнинг замонавий усуллари топиш ва зудлик билан амалиётга жорий этишига ундамоқда. Жараёнда «AVIC» корпорацияси тақдим этган кимёвий моддаларни майда заррачаларга айлантирадиган «дрон-паралланлар» яратилди. Ушбу «учар аппарат»ларни синовдан ўтказиш 2014 йилнинг март ойидан бошланган. Дронлар ҳавога кўтариладиган, атмосферадаги кимёвий

моддаларни майда зарраларга парчалаб ташлайди. Сўнгра ҳавода майдаланган зарарли моддалар ерга чўкиб, атмосферада кислород айланишига оз бўлса ҳам шароит яратади.

Бироқ ушбу технологияни қўллаш бир мунча баҳсталаб бўлиб, биринчидан, дронлар сабаб атмосферага қўшимча моддалар тушиши, иккинчидан, барча зарарли бирикмаларнинг қайта ерга чўкиши оқибатида, тупроқ остидаги сув ва жамики жонли мавжудот заҳарланиши мумкин. Аслида ҳавони тозалашнинг шундай самарали усулини топиш кераки, унда ифлосланган моддалар ҳавода тўпланиб, ер ёки сувга сингиши эмас, балки зарарсиз моддаларга айланиши керак. Айтиш жоизки, бу борада кўпчиликка намуна бўла оладиган ихтиролар ҳам бисёр.

## Ҳавони тозалайдиган реклама тахталари

Ҳаво ифлосланишига қарши курашадиган реклама тахтачалари ишлаб чиқарган перулик олимлар гуруҳи уни биринчи бўлиб 2013 йили энг ифлосланган ҳудуд — Перу пойтахти Лимага ўрнатиб, синаб кўрди. Ўзига хос тахтача асосий термодинамика қоида-си асосида ишлайди.

Ихтиронинг афзалликлари бисёр. Асосийси, у атмосферадаги ифлос моддаларни фаоллик билан ўзига тортиб олиб, филтрдан ўтказиши ва ташқарига кислород чиқаради. Технология муаллифларнинг таъкидлашича, бир dona реклама тахтачаси 1200 та дарaxtнинг карбонат ангидридиди ютиб, кислород чиқарганига тенг ишни бажариб, шахар шaroitida ҳар кун 100000 м<sup>3</sup> ҳавони тозалаш имкониятига эга.

## Ўз-ўзини

### тозалайдиган бетон


Италиялик кимёгар Луизи Кассар титан диоксиди ёруғлиги таъсирида молекулалардаги углеродли боғланишларни зарарлайдиган яна бир ўзига хос технологияни ихтиро қилди. Зарарли моддалар таъсирини камайтириб, атрафдаги ҳавони яхшилайдиган инновацион цемент турини кашф этган олим халқаро эътирофга сазовор бўлди. Хайратланарлиси, бетон ёрдамда нейтрал ҳолатга келтирилган зарарли моддаларни қаерга йўқотиш ҳақида бош қотиришга ҳожат йўқ — улар шунчаки, ёмғир сувида ювилиб кетади.

Узоқ вақт ўз жамоаси билан бетон таркибига солинадиган қўшимча устида тажриба олиб борган Л.Кассар, ниҳоят, «фотокатализатор» деб номланган оптимал формула яратишга муваффақ бўлди. Олим тақлиф этган бетон чиройли, тоза кўриниши ҳамда нисбатан оқлиги билан бошқаларидан фарқ қилади. Технология илк бор 1996 йили архитектор Ричард Мейер раҳбарлик қилган Рим черкови қурилишида қўлланилган.

## Атмосферани тозаловчи бизо

Осмонўпар бизолар дизайни танловида иштирок этган россиялик Алексей Умаров ифлосланган ҳавони тозалашнинг бир неча усуллари ни ичига олган «Гипер-Филтър» концепциясини тақдим этди.

Бу тизим магистрал йўллари ва заводалари кўп ҳудудлардаги осмонўпар иморатларга ўрнатилган, катта шахар-



лар ҳавосини карбонат ангидрид (CO<sub>2</sub>) ва бошқа заҳарли газлардан тозалаб, атмосферага кислород тарқалишини таъминлайди. Қурилма ўз вазифасини ҳаво таркибидеги чанг ва зарарли моддаларни тутиб қоладиган кўплаб қувурлар ёрдамида бажаради.

## НАСА ҳаво дезинфекторлари

Аксариятимиз кўчадан фарқли ўлароқ, уй шароитида атмосфера доим тоза бўлади ва тўйиб-тўйиб нафас олишимиз мумкин, деб ўйлаймиз. Бироқ мутахассислар бино ичидеги ҳаво аксинча — кўпинча кўчадиган-да ифлос бўлишини таъкидлайди.

Уй бурчагидеги камин, аэрозоллар, хлор ёки аммиак таркибли тозалаш воситалари, локланган ва муланган поллар, ҳашоратларга қарши пуркагичлар, тамаки тутун, мойбўёқ ва эритгичлар, гилам елими, мебель бўёғи... буларнинг номини ўқиганингиз сари мутахассислар нечоғлиқ ҳақ эканини англайсиз. Уларнинг бари ўзидан заҳарли ис тарқатиб, саломатликка салбий таъсир кўрсатади. Шундай экан, бино ҳавосини тозалаш ҳам кўпчилик ўйлаганидек иккинчи даражали масала эмас.

Бугун уй атмосферасини соф сақлашга хизмат қилаётган «Airocide» қурилмаси илк бор этилендан ҳалос бўлиш зарурати сабаб яратилган. У Халқаро космик станция учун ишлаб чиқарилган ҳаво дезинфекторлари асосида ишланган. Ҳаво таркибидеги органик молекулаларни зарарлайдиган гидроксиллар дезинфекторнинг титан диоксиди қопланган шиша халқали камераси ёруғлиги таъсирида ишлайди. Станцияда ўз ишини муваффақиятли бажарган қурилмадан кейинчалик озик-овқат саноати ва шифоналарда фойдаланила бошланди. Эндиликда исталган киши уни харид қилиши мумкин.

«Airocide» технологияси моғор, замбуруғ, гулчанг, чанг, вирус, бактерия ва учувчи органик бирикмалар каби биологик ифлослантрукчиларни 100 фоизгача йўқ қила олади. Мусламин махсус филтрити бўлмаса-да, бино ҳавосини кўнглидагидек дезинфекциялайди. Ягона камчилиги — йилда бир марта картрижини алмаштириб туриш керак. Қолган ҳолларда замонавий техника ўз соҳибини овора қилмай, вазифасини мукамал даражада бажаради.

## Хона ўсимликлари

Аксарият ҳолларда янги технологиялар аввал мавжудларини тақомиллаштириш асосида яратилади. Анъанавийликка замонавий тус берган «Lab Store» компанияси ходимлари

хона ўсимлиги кўринишидаги ҳаво тозаловчи омма эътиборига ҳавола этди.

Маълумки, уй ҳавосини яхшилаш, яъни карбонат ангидридиди ўзига ютиб, кислород чиқариш бобида хона ўсимликларига тенг келадигани йўқ. Хонадонимизни турли-туман ўсимликлар, гуллар билан безашимиз эстетик завоқ олишимиз учунгина эмас, балки ҳавони тозалашда ҳам фойдалидир. Айримлар ўсимликларни уй ҳавосини янгилаб туриши учунгина ўстиради.

Компания таклиф этган «Andrea Air» номли янги гажет ўсимликларнинг чанг ва бошқа зарарли моддалар билан курашувчанлигини оширади. Шунингдек, ўсимлик барглари, илдизи, сув ва тупроққа синган ҳавони вентилятордан ўтказиб, кислород тарзида хонага қайта чиқаради. Бир сўз билан айтганда, қурилма ўзида ушлаб қолган ҳаводаги органик бирикма ва зарарли моддаларни филтърлайди.

Мутахассислар янги технология асосида яратилган ўсимликларнинг синов жараёнида юқори самарадорлик жиҳатидан тувакда ўстириладиган аънавий хона гулларидан фойдалироқ эканига гувоҳ бўлди. Улар ҳавони 10 карра тезроқ тозалаб, атмосферадаги формальдегидларни 3,6 маротаба яхшироқ йўқ қилишга қодир. Бундан ташқари, олимлар қурилмани углеродли ҳамда «HEPA» филтърлари билан ҳам солиштириб кўришди. Гажетлар улардан 44 карра самаралироқ ишлади.

Ўртимизда қабул қилинган атмосфера ва атраф-муҳит муҳофазасига доир қонунларимиз доирасида ҳар йили мамлакатимизда ушбу йўналишда кўплаб ишлар амалга оширилиб, катта миқдорда маблағ ажратилиши бежиз эмас. Айниқса, автомобиллар гавжум жойлар, саноат зоналари ва бошқа зарур ҳудудларга ҳаво тозаловчилар ўрнатиш, газларнинг заҳарли таъсирини камайтирадиган кимёвий ускуналар, филтърлардан фойдаланиш, чорва молхоналарида ҳаво дезинфекцияларини қўллаш кенг йўлга қўйилган. Ҳозир 114 та кимёвий модда ва 25 хил атмосферани ифлослантрукчилар бирикмалар устидан давлат назорати ўрнатилган. Олимларимиз транспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли газларни зарарсизлантатириш устида иш олиб бормоқда. Энг муҳими, инсон ҳаёти атмосфера билан чамбарчас боғлиқ эканини, унинг ифлосланиши алақибат саломатлигимизга жиддий таъсир ўтказишини унутмаслигимиз лозим.


Ирода ТОШМАТОВА тайёрлади.



2017-yil 18-oktabr, № 83 (9044)

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИЗ ИШЛАЙДИГАН КОНДИЦИОНЕР

Стэнфорд университети (АҚШ) олимлари юқори технологияли оптик сирт ёрдамида сунъий ҳаво ҳосил қилувчи тизимни (кондиционер) яратди. Мухим жиҳати, ушбу курил-нинг ишлаши учун электр энергияси талаб этилмайди.



Ушбу ҳаво алмашиш тизими синовдан ўтказилганида, сув худди шу усулда атроф-муҳит ҳароратини Цельсий шкаласи бўйича 3—5 даражагача совутиши ҳам мумкинлиги, натижада фаол равишда сунъий ҳаво ҳосил қилиш имкони туғилиши тасдиқланди.

Тадқиқотчилар дастлабки ютуқларидан илҳомланиб, шартли бинонинг математик моделини ҳам яратишди. У сунъий тарзда ҳаво ҳосил қилишнинг мазкур тизимдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қолаверса, ёз мавсумида бир ой мобайнида пассив совутиш тизими ҳисобидан электр энергиясини сезиларли даражада тежаш мумкинлигини исботлашга хизмат қилди. Математик моделда АҚШнинг энг иссиқ климга эга ҳудудларидан бири — Лас-Вегасдаги иншоотлар электр қуввати сарфи ҳисобга олинди.

Дарвоқе, университет олимлари сунъий ҳаво ҳосил қилувчи кондиционер технологияларини янада такомиллаштирувчи «SkyCool Systems» компаниясига асос солишди. Бу ерда соҳага оид янада чуқур илмий изланишлар олиб борилади.

## ПОМИДОРНИНГ НОЁБ ХУСУСИЯТИ АНИҚЛАНДИ

Огайо университети олимлари кунига кам миқдорда помидордан тайёрланган томат истеъмол қилиш саратон хасталигидан ҳимоялашни аниқлади. Бу ҳақида университет сайтида хабар берилди.



«Hi-news.ru»

манбасида келтирилишича, кондиционерда иссиқликни ташувчи сифатида сувдан фойдаланилади. У алоҳида оптик сирт остида жойлаштирилган иссиқлик ўтказувчилар орқали ҳаракатланади. Эътиборлиси, бу сирт ўзига тушадиган қуёш нурларининг қарийб 97 фоизини тутиб қолади ҳамда сувдаги иссиқ энергияни атроф-муҳитга тарқатади.

Мазкур илмий фаразни тасдиқлаш учун сичконлар устида тажриба ўтказилди. Натижада олимлар кунига оз миқдорда помидор томатидан еб туриш саратондан 50 фоизгача ҳимоялайди, деган хулосага келди.

Тажриба хулосаларига кўра, бу хусусият томат пастасидаги қизил ранг ҳосил қилувчи кўшилма — каротиноидларда яширинган. Каротиноидлар организмда пайдо бўлиш арафасида турган саратон тўқималарини ҳали дунёга келиб улгурмасидан йўқ қилиб юборади.

Бундан ташқари, улар қуёш нурларида куйган терини ҳам даволашда қўл келади. Шу боис олимлар помидордан тайёрланган помидор пасталари нафақат турли таомлар таркибига, хусусан, таъбга кўра энгил озиқ-овқат маҳсулотларига қўшиб, салат ўрнида тамадди қилиб туришни тавсия этмоқда.

## КАРИЕСНИНГ АСОСИЙ САБАБИ ТОПИЛДИ

Америкалик ва австралиялик олимлар биргаликда тиш кариесининг пайдо бўлишига генетик мойилликдан кўра, носоғлом турмуш тарзи ҳамда оғиз бўшлигини нотўғри парваришлаш асосий сабаб эканини аниқлади. Ушбу тадқиқот натижалари «Cell Host & Microbe» журналида эълон қилинди.

Мутахассислар бир хил шароитда улғаяётган болалар оғзидаги микробиоматик ўзига хослик ва генетик фарқни аниқлаш учун 5—11 ёшлардаги эгизакларнинг оғиз бўшлиғидан намуна олди. Таҳлил натижалари асосида тиш касалликлари юзга келиши билан боғлиқ микрофлора авлодларга ирсий равишда ўтмаслиги аниқланди.

Тадқиқот давомида олимлар ота-онадан вақт ўтиши билан фарзандларига ўтган микробларнинг улуши камайиб, атроф-муҳит билан боғлиқ микроорганизмларнинг сони ортиб бораётганини пайқади. Хусусан, оғиз бўшлиғидаги стрептококлар таркиби дентал ривожланишга боғлиқ омиллар ҳиссасига тўғри келган.

Айни кез болалар оғиз бўшлиғи парваришини уларда тишлар пайдо бўлмасиданоқ бошлаш тавсия этилмоқда. Тишларда бактериялар кўпайишининг олдини олиш, яъни профилактика учун кунига камида икки марта тишларни тозалаш лозим.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ тайёрлади.



реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

**Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти давлат илмий-техникавий лойиҳалар доирасида тайёрланган китобларни нашр этиш бўйича босмаҳоналар ўртасида**

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

#### КИТОБЛАРНИНГ НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ

1. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари. Монография.

Бичими: 60x84 1/16 рангли юмшоқ муқовада, матн оқ-қора ва офсет қоғозда, ҳажми 10 шартли босма табоқ. Адади 500 нусха.

2. Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлаш ва тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик технологиялари.

Бичими: 70x100 1/16 рангли юмшоқ муқовада, матн оқ-қора ва офсет қоғозда, ҳажми 20 шартли босма табоқ. Адади 150 нусха.

3. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. Методик қўлланма.

Бичими: 60x84 1/16 рангли юмшоқ муқовада, матн оқ-қора ва офсет қоғозда, ҳажми 10

шартли босма табоқ. Адади 300 нусха.

4. Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнида педагогик технологиялар банкидан фойдаланиш механизмлари. Методик қўлланма.

Бичими: 60x84 1/16 матн 150 бет (1+1 рангда). Муқова 4 рангда, юмшоқ 200 гр ламирланган офсет қоғозда. Адади 500 нусха.

#### ТАНЛОВГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ.

1. Босмаҳона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия (рухсатнома) нусхаси.

2. Картотека қарздорлиги тўғрисидаги маълумотнома.

3. Нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари.

4. Танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза.

**Манзилимиз:** 100027, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 98-уй. ЎзПФИТИ.

Телефон: (0-371) 227-45-67.

**Далиев Шахрух Хожакбаровичнинг 01.04.10 — Яримўтказгичлар физикаси ихтисослиги бўйича “Кремнийли структураларнинг электрофизик хусусиятлари Zr, Ti ва Hf киришмаларининг таъсири” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 рақамли илмий кенгаешининг 2017 йил 30 октябрь кuni соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2-“В” уй. Физика-техника институти мажлислар зали. Тел./факс: (0-371) 235-42-91; e-mail: lutp@uzsci.net.**

**Бобоев Исомиддин Давроновичнинг 02.00.10 — Биоорганик кимё ихтисослиги бўйича “Caryophyllaceae, Lamiaceae оилаларига мансуб ўсимликлар экоистероидлари ва уларнинг модификацияси” мавзусидаги (кимё фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси ЎзР ФА Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.37.01 рақамли илмий кенгаешининг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 83-уй. Тел.: (+99871) 262-35-40, факс: 262-70-63; e-mail: info@biochem.uz.**

**Каримов Абдурашид Мусахоневичнинг 02.00.10 — Биоорганик кимё ихтисослиги бўйича “Ўзбекистонда ўсувчи Scutellaria L. туркумига мансуб тўрт тур ўсимликларнинг флавоноидлари” мавзусидаги (кимё фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси ЎзР ФА Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.37.01 рақамли илмий кенгаешининг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 83-уй. Тел.: (+99871) 262-35-40, факс: 262-70-63; e-mail: info@biochem.uz.**

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси Ўқув-тарбия жараёнига инновацияларни жорий этиш бўлими бош методисти Ойсулув Мусурмонкуловага падари бузуқворчи **Юлбек ота ҚУШМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



## Синов

Эшқобил бобо заранг таёққа суяниб Боботого чўққисига кўз тикади. Сўнг икки тепалик наридаги кўрага қарайди. У ерга сутдан айрилган кўзиларни ҳайдаб бориш турган-битгани азоб бўлиб кўрилади. Йиллар давомида сурув ортидан юриб чарқоқ билмаган чўпон илк марта кексаликни тан олади. Тегирмон навбати келиб, чўпон таёғини ўғлига топшириш кераклигини ҳис этади. Бирок пиру бадавлат Эшқобил чўпоннинг уч нафар ўғли бор. Демак, чўпон таёғини одиллик билан қайсидир ўғлига бериши керак. Зеро, келгусида отасига изибсар бўлган ўғил ака-укалар орасида зиддият келтириб чиқармаслиги лозим. Эшқобил чўпон фарзандларини бирма-бир кўз ўнгидан ўтказди. Аммо уларнинг ҳеч бирини бошқасидан устун кўя олмади. Сўнг кечки пайт ўғилларини жамлаб:

— Шокирбойнинг кўйи эгиз кўзилабди. Шунинг бировини бўри еди қилсак, — деди ва ўғилларига синовчан қаради. Гап катта ўғил Фарҳоднинг синфдош жўраси боқишга бериб кетган кўй ҳақида эди. Чўпоннинг фарзандлари отасининг гапини аввалига ҳазилга йўйди. Аммо Эшқобил бобонинг жиддий сўзлаётганини билгач доимгидек ўртанча ўғил биринчи гап бошлади.

— Шокир аканинг кўйини шунча вақтдан бери боқиб бирор марта энчи (чўпон ҳаққи) олмадик. Ота, тўғри айтасиз кўзида ҳаққимиз бор, — деди.

Эшқобил чўпоннинг кўнглидан нимадир узилиб тушгандай бўлди. Аммо сир бермай Фарҳодга қаради.

— Сен нима дейсан?!

— Кўзини эгасига айтиб олсак ҳам бўлади. Лекин текин боқиб берман, деб катта гапириб кўйганман-да, — дея чайналди.

Катта ўғиллари отасининг гапини маъқуллаб ўзларини оқлайдиган сабаб айтарди. Фақат кенжа фарзанди Алишер жим ўтирар эди. Бир маҳал чўпон кичик ўғлига юзланди.

— Сен нимага жим ўтирибсан?

Алишер отасининг гапига жавобан:

— Дуо қилинг, ишим бор, — деди ўрнидан кўзгаллиб.

— Каерга шошяпсан? Сендан гап сўраяпман.

— Бориб Шокир акага айтигин, кўйини ҳам, кўзиларини ҳам йиғиштириб кетсин. Бу ердан барака кўтарилибди, — деди Алишер отасидан кўзини олиб қочаркан. Укасидан бундай гапни кутмаган акалар ялт этиб унга қаради. Эшқобил чўпон эса:

— Жойинга ўтир, — деди катый оҳангда. Алишер истамайгина ўрнига чўқди. Мўйсафид тўнғич ўғлига қараб:

— Олабош кўчорнинг оғзига туз ташлаб кўйинглар, эртага сўямиз, — деди. Кейин ўртанча ўғлига юзланиб. — Сен ҳамсоғларни чақир, эрталаб Алишербойга чўпон таёқни топширамиз, — деди мамнун оҳангда.

## Shingil hikoyalar

### Мўйда

Алишер тўй бўлаётган хонадон дарвозаси ёнида тўхтади. Ортидан қувиб келаётган тенгдоши унинг бошига кафтини текизиб: "Қўлга тушдинг! Ушлай олмаган кал", деб тўйхонага кириб-чиқаётган одамлар оралаб ғойиб бўлди. Алишер эса ўйини ҳам эсдан чиқариб рўпарасида келаётган устозига қараб турарди. Устозини кимдир кўлтигидан олиб судраб келар, ўқитувчи эса мастликдан зўрга қадам ташларди. Бунга кўриб Алишернинг дили хуфтон бўлди. Нахотики у хурмат қиладиган, доим ўхшабга интилади-диган муаллимнинг аҳволи шу бўлса?! Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Ахир устози яхши одам. Ичмайди! Лекин ҳозирги аҳволи...

Алишернинг кўз олдига отаси келди. У ҳар икки куннинг бирида уйига маст ҳолда келади. Кейин бутун оилани оёққа турғизади. Айниқса, Алишернинг онаси балога қолади. Оёғида зўрга турган эр хотини билан юзлашганда бўлар-бўлмас баҳона билан аёлини дўппослайди. Болаларнинг ҳам аҳволи шу. Бундан Алишернинг юраги зада бўлиб қолган. Шундай вақтларда у ўзи ҳам билмайдиган олис-олисларга кетгиси келади. Кейин негадир уч йилдан буюн сабоқ бераётган устозини эслайди. Устози доим Алишерга яхши муомалада бўлади. Уни яхши ўқигани учун мақтайди.

Баъзан кўча-кўйда одамлар Алишердан устозини ким эканини сўрайди. Сўнг: "Ҳа, яхши ўқитувчининг ўқувчиси экансан", дейишади. Алишернинг кўкси яна гўрудан кенгайди. Улғайганида устози кани яхши одам бўлишни ниёт қилади. Аммо устозининг ҳозирги аҳволи... Алишер отаси маст бўлиб келганидагидай аҳволга тушди. Унинг узоқ-узокларга кетгиси келди. Шу пайт боя унинг бошига уриб кетган бола ёнига келиб:

— Уйини бузма. Сени ушладим-ку, энди қувмайсанми? Нимага қотиб қолдинг? — деди. Алишер унинг гапини эшитишни ҳам истамай нари кетаркан зўрга:

— Уйнамайман, — деди. Сўнг ўртоқларининг таънаю дашноларига қулоқ тутмай тўйхонадан узоклашди. Анча юрғач қулоғига таниш овоз эшитилди. Алишер тўхтаб девор ортидан эшитилаётган овозга диққат билан қулоқ тутди. Сўнг шу яқиндаги дарвоза тирқишидан мўралаб ичкарига қаради. Устози қўлига сув олиб уст-бошининг чангини қоқаркан уй эгасига ўқтам оҳангда гапирарди.

— Кўтарса ичмайсанми, дейдиган одам йўқ. Улғудай бўкибди. Биласиз, ичмайман. Маст одамни ёмон кўраман. Лекин кўпнинг орасида томоша кўрсатмасан деб зўрга судраб уйига кузатиб қўйдим.

Алишер устозининг гапидан севинди. Дилига бир тола нур инди. Тагин қишлоқда тўй бўлаётгани ва у ерда ошналари ўйин ўйнаб юрганидан энди хабар топгандай тўйхона томон югурди.

Боборовшан ҲОЗИДИНОВ

Балки бўлган, балки бўлмаган. Бўлган бўлса изи қолмаган, изин излаб ҳеч ким топмаган. Ровийларнинг ривояти — бу. Ҳидоятнинг ҳикояти — бу. Айтишларича, икки подшоликда икки чақалоқ дунёга келибди. Бири букри Шаҳзода, иккинчиси юзлари чўтир Малика экан. Букри Шаҳзоданинг отаси иложи борича уни одамлар кўздан йироқда сақлар, чўтир Маликанинг онаси ҳам қизалоқ юзига нафис парда тутиб унинг хунуқлигини одамларга сездирмасликка ҳаракат қиларкан. Ёш Малика ўқиб қолмаслиги учун мохир ойнасосларни чорлаб фаройиб кўзгулар ясаттирибди. Бу ойналарга боқанда махлуқлар ҳам чиройли ва кўркем кўринаркан. Саройнинг барча бурчакларига мана шундай сеҳрли ойналарни ўрнатибди. Малика бу кўзгуларга боқиб ўзини

Букри Шаҳзода ҳамгин ва ўзини бахтсиз тутишини кўриб Маликанинг унга раҳми келибди. Бу ердан бирдан бир ростгўй ва яхши одам Шаҳзода эканини англаб, унга яқинроқ бориб дебди:

— Айт-чи, Шаҳзода, мана булар айтганидек мен чиндан ҳам хунукманми? Улар мени алдаяпти. Шундайми? Ахир сарой ойналари ўн етти йилдан буюн мени ҳаммадан гўзал кўрсатарди-ку.

У шундай деб чўнтагидан саройдан олиб келган ойнасини юзига тутибди. Не кўз билан кўрсинки, у аввалгидек чиройли кўрсатмабди. Шунда Малика тақдирига тан бери юм-юм йиғлаб бошлабди. Атрофдаги Жинлар:

— Ойналар сеҳрли эмас. Мана қара, бизни ҳам, букри Шаҳзодани ҳам қандай бўлса шундай кўрсатмоқда. Энди шубҳаланма-

## Сўзнинг қудрати

### (эртас)

дунёдаги энг келишган ва гўзал киз деб ўйларкан.

Аммо букри Шаҳзода тенгдошларидан уялиб ўксиниб ўсибди. Букрисини на яширишининг, на тўғрилашининг иложи йўқ экан. Ненета табиблар бу ишнинг урдасидан чиқолмай подшонинг қаҳр-ғазабига дучор бўлибди. Вақт отига қамчи уриб ўтаверибди, ўтаверибди. Ниҳоят, букри Шаҳзода билан чўтир Малика ўн етти ёшга тўлибди. Дарвоқе, улар бир йилда, бир кунда ҳатто бир соатда туғилган эканлар.

Шаҳзода ўн еттига тўлган кунни ота саройини тарк этиб боши оққан томонга кетишга қарор қилибди. Шу йўл билан ота-онасини шармандалиқдан қутқариб қолмоқчи бўлибди. Айни шу дақиқаларда Малика ҳам энагаси билан сарой ташқарисига сайрга чиққан экан. Энди дала гуллари-дан гулчамбар ясамоққа тутинган экан ҳамки, бўрон туриб Маликани учуриб Жинлар мақонига келтириб ташлабди. Юзидagi парда ҳам шамолда аллақайларга учиб кетибди. Жинлар юзлари чўтир қизни кўриши билан уни ўраб олибди.

— Мана бизнинг букри Шаҳзодамуносиб қайлиқ келди, — деб ҳар томондан ҳайқирармиш. Улар орасидан сочлари тиззасига тушган аёл Жин чиқиб Маликанинг кўлидан етаклаб бир хонага олиб кирибди. Қиз қанчалар қаршилиқ кўрсатмасан, уни букри Шаҳзоданинг ёнига олиб борибди. Хонанинг тўрт томони ойна билан қопланган экан. Малика атрофга қараб, аксидан кўрқиб кетибди.

— Ойнадаги қиз мен эмасман. Бу кўзгулар одамни атайлаб бадбашара кўрсатса керак, — деб ўйлабди. Малика ва атрофдаги Жинларга қараб:

— Кўзгуларингга ишонмайман. Уни сизлар ўйлаб топгансизлар. Тезроқ мени саройга олиб бориңлар. Мен Маликаман! — дебди. Жинлар унинг гапига зарра парво қилмабди. Бир-бирига:

— Қаранглар, букри Шаҳзода билан мана бу Малика бир-бирига қанчалар мос. Бамисоли олтин узукка ёқут кўздек ярашиб турибди, — деб хириглашибди.

санг ҳам бўлади. Бизнинг Шаҳзодамуносиб эканинга ишондингми? — дейишибди.

Малика борган сари ўзининг хунуқлигига кўника бошлабди. Аммо у тугилгандаёқ шундай бўлганини сира тасаввур этолмаскан. У Жинларнинг афсуну туфайли чўтир қизга айланган бўлсам керак, деб ўйларкан.

Шаҳзоданинг ўзидек бахтсиз қизга раҳми келибди. Қандай қилиб унинг кўнглини кўтарсам, дея ўйлай бошлабди. Маликанинг қулоғига Жинлар эшитмаслиги учун секин шивирлабди.

— Мана бу лаянати ойналарга сира ишонма. Сен дунёдаги энг гўзал қизсан. Ахир мен сенинг гўзаллигингни кўриб турибман-ку.

Шунда мўъжиза юз берибди. У чиндан ҳам гўзал қизга айланибди. Атрофдаги ойналарда ҳам чиройли акси мавжланибди. Бундан эси оққан Жинлар сояларга айланишибди. Малика Шаҳзодага қандай ташаккур билдиришни билмай, йигитнинг қулоғига:

— Шаҳзода, Сиз сира ҳам букри эмассиз. Қадди-қамотингизни кўрган, кўнгирик сочларингизга кўзи тушган ҳар қандай қиз сизга махлиё бўлмасдан иложи йўқ.

Қиз гапини тугатар тугатмас Шаҳзоданинг елкасидаги букрисига ғойиб бўлибди. У ўқтам, хушқомат баҳодирга айланибди. Шу заҳоти Жинларнинг соялари ҳам кўздан йўқолибди.

— Биз сеҳрдан озод бўлдик. — Биз сеҳрдан озод бўлдик, — дея шодон қичкириб, жинлар саройини тарк этмоқчи бўлган экан, эшик оғаси уларнинг йўлини тўсибди.

— Болажонларим, сизларга бахт тилайман. Аммо кетиш олдиндан сеҳрдан қандай озод бўлганингни билди кетинг. Сизни сеҳрдан озод этган куч бир-биринингизнинг қулоғингизга шивирлаб айтган сўзларингиз эди. Энди бу сўзларни юзингизга ажин тушганда ҳам айтиб юришингиз керак, — дебди.

Улар шундай қилишга сўз бериб, бахтиёр ҳолда Шаҳзоданинг юртига йўл олибди.

Болажонлар, ҳатто эртақларда ҳам сўзнинг қудрати сеҳр-жодудан кучлироқдир.

Ҳидоят ОЛИМОВА



2017-yil 18-oktabr, № 83 (9044)

## Учқудуқнинг бўлғуси чемпионлари

худуддаги ягона БЎСМда спорт сирларини ўрганмоқда

Учқудуқ туманидаги Болалар-ўсмирлар спорт мактаби 2015 йили ўз фаолиятини бошлаган.

Спорт мактабининг тажрибали мураббийлари — Али Хусенов дзюдо, Элгиз Шомуродов бокс, Хасан Нуриддинов баскетбол бўйича учқудуқлик ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиб, ўз билими ва тажрибасини улашмоқда.

— Марказдан узок бўлган худудга бошқа туманлардан малакали мураббийларни жалб қилиш борасида дастлаб бироз қийинчиликка дуч келдик, — деди БЎСМ директори Сирожиддин Узоқов. — Дастлабки йилда мактабимизда атиги 4 нафар мураббий 300 га яқин спортчи ёшларга сабоқ берган бўлса, ҳозир мураббийлар сони 23 нафар, спортчилар сони эса 1124 нафарга етди. Шундан 403 нафари қизлар. Улар спортнинг 12 тури билан шуғулланмоқда.

БЎСМда спортчиларнинг кўнгилдагидек машгулот ўтказиши учун барча шароит муҳайё қилинган. Хусусан, тиббий ходимлар — олий тоифали шифокор Н.Бегматов ва ҳамширалар Ф.Султонова ва У.Мажидова болалар саломатлигини доимий назорат қилиб боради. БЎСМда шуғулланаётган ўқувчи ёшлардаги антропологик ўзгаришларни қайд этиш ҳам уларнинг зиммасида. Айтиш жоизки, бир йиллик кузатувлар натижасига кўра, болаларнинг саломатлиги, қад-қоматининг ўсиши, феъл-атворида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берган.

Ушбу спорт мактабининг бир кунлик сигими 200 кишига мўлжалланган бўлиб, 24x12 метр ҳажмдаги спорт зали, баскетбол майдони, теннис корти ва мини футбол майдончасига эга.

Эътиборлики, спорт мактаби ўқувчилари қисқа вақт ичида мураббийлар ишончини оқлай бошлади. 2016-2017 ўқув йилида республика ва вилоят миқёсида ўтказилган кўплаб мусобақаларда БЎСМ ёшлари фаол иштирок этиб, соvrиндорлар қаторидан жой олди. Айниқса, дзюдо, бокс, волейбол, шахмат ва стол тенниси бўйича кетган мусобақаларда ўқувчиларнинг маҳорати тобланмоқда.

Хусусан, Шоҳжаҳон Бобомуродов ва Жаҳонгир Азимов бокс бўйича ўз вазн тоифаларида вилоят миқёсидаги турнирларда зафар қучди. Шунингдек, Зухриддин Гапаров, Иброҳим Норбўтаев ва Фирдавс Аслонов дзюдо бўйича республика мусобақаларида соvrиндор бўлди.

Албатта, чемпионлар тарбиялашни ҳар бир мураббий оруз қилади. Аммо камдан-кам мутахассис, аниқроғи, ўз ишига меҳр қўйган мураббий бунга эришади. Учқудуқдаги БЎСМда ана шундай фидойи мураббийлар, иқтидорли ёшлар талайгина.

**Шаҳноза КАРИМОВА,**  
Болалар-ўсмирлар спорт мактаби  
директорининг ўқув ишлари бўйича  
ўринбосари

## Замонавий спорт зали ўқувчилар ихтиёрида

Ёзги таътилда таъмирдан чиқарилган Тошкент туманидаги 26-мактаб биноси замонавий стандартларга мос ҳолатга келтирилди. Бинонинг нафақат ташқи, балки ички қисми ҳам тубдан ўзгарган. Кўрган кишида янги синфхонадан тасаввур уйғотадиган шиша ва ёруғ синфхоналар ўқувчилар, ўқитувчилар учун янги ўқув йилига муносиб тухфа бўлди.

Айниқса, жисмоний тарбия фанига ўзгача меҳр қўйган болалар учун чинакам байрам бўлди. Боиси, мактабнинг спорт зали қайта жиҳозланиб, иситиш тизимлари ўрнатилди. Бу ёғингарчиликлару кишининг изгиринли кунларида ҳам эмин-эркин спорт билан шуғулланишга шароит яратилганини аңглатади. Спорт залига ёндош кийиниш ва ювиниш хоналари ҳам капитал таъмирланди.

— Бундай шиша спорт залида ўқувчиларни жисмоний тарбия машгулотлари га жалб этиш, спортга ошно қилиш қийинчилик туғдирмайди, — дейди жис-

моний тарбия ўқитувчиси Равшан Хусанов. — Ўқувчиларимиз айни кез мактабимизда ташкил этилган баскетбол, волейбол, бадминтон, кўл тўпи, мини футбол, стол тенниси тўғарақлари га қатнашмоқда. Ота-оналар таълим масканига шу қадар юксак эътибор кўрсатилгани, фарзандлари спорт билан мунтазам шуғулланаётганидан хурсанд.

Чиндан ҳам, болаларнинг кайфияти чоғ, кўзлари ёниб турибди. Улар мазкур имкониятлардан самарали фойдаланиб, улкан марраларини забт этишга аҳд қилган. Қолаверса, жисмоний

тарбия билан фаол шуғуллана бошлаган ўғил-қизларнинг давомати ҳам кун сайин яхшиланиб бормоқда. Бу эса уларнинг фақат жисмоний тарбия эмас, балки бошқа фанлардан ҳам аъло баҳоларга ўқишига замин яратмоқда.

Дарвоқе, ҳозир мактабда таълим олаётган 960 нафар ўқувчи(шундан 467 нафари қизлар)нинг аксарияти спорт тўғарақлари га мунтазам жалб этилган. Мактабда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг биринчи босқичи кўтаринки руҳда ўтмоқда. Синфлараро мусобақаларда мактаб шарафини туман миқёсида ҳимоя қилишга қодир ўғил-қизлар сараланмоқда. Мураббий ва ўқувчилар ушбу нуфузли фестивалнинг вилоят босқичида қатнашишни мақсад қилган.

**Ирода ТОШМАТОВА,**  
«Ma'rifat» муҳбири

## Ҳушёр яшаган ташвишда қолмайди

Инсон орзу-ҳавас билан яшайди, меҳнат қилади, мол-мулк ортирди. Аммо баъзида озгина эътиборсизлик натижасида келиб чиққан ёнғиндан шу мол-мулкни асраб қололмайди. Агар ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилса бошига ҳеч қачон бундай кўргулик тушмайди.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари кўп бор огоҳлантиришига қарамай, носоз электр жиҳозлари, газ плиталаридан фойдаланиб келаётганлар кун келиб хонадонидида фалокат содир бўлганда ёрдам сўраб чор тарафга югурганига ачинасан киши. Ахир кун кеча тинч ва осуда ҳаёт кечириб, ўз меҳнати ортидан ҳалол бойлик ортирган оиланинг мол-мулклари бир лаҳзада қулга айланиши, албатта, ачинарли ҳол.

Бундай қўйга тушганлар асосий вазифаси хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли осойишталигини сақлашга қаратилган ёнғин хавфсизлиги инспекторлари га қулқ тутишганда, хавфсизлик қондаларига амал қилишганда бундай ҳол юз бермасди.

Ёнғин хавфсизлиги қонун-қондаларига қатъий риоя қилсангиз давлат мулки ва шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ўт балосидан асраган бўласиз.

**Ботир ШОРАХИМОВ,**  
«Бунёдкор» стадиони  
ЁХБ бошлиғи, майор,  
Сержан АБДИБЕКОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
ЁХБ кичик инспектори, сафдор



### МЕССИ УЧУН РЕКОРД МАОШ

«Барселона»нинг аргентиналик ҳужумчиси Лионель Мессига жамоа билан амалдаги шартномасини узайтириши учун рекорд даражадаги маблағ таклиф этилди, дея хабар берди «Daily Mail».

Испаниянинг «L'Аra» газетасида ёзилишича, агар Месси клуб билан шартномасини узайтиришга рози бўлса, 80 миллион фунт стерлинг (105,3 миллион АҚШ доллари) миқдоридидаги бонусга эга бўлади. Натижада Лионель ҳафтасига 500 минг фунт (658,4 минг доллар) маош олади.

Футболчининг амалдаги шартномаси келаси йилнинг июнигача белгиланган бўлиб, айни пайтда унга ҳар ҳафта клуб газнасида 316 минг евро (374,2 минг доллар) берилмоқда.

### «КАТТА ТАНАФУС» ТУГАДИ

Таниқли ракеткачи Мария Шарапова Хотин-қизлар теннис ассоциацияси (WTA) рейтингидида 81-ўриндан 56-поғонага кўтарилди, дея хабар берди ташкилот расмий сайти.

Мария дам олиш кунни Хитойнинг Тяньцзинь шаҳрида яқунланган халқаро турнир финалида беларуслик Арина Соболенкони (7:5, 7:6 (10:8) энгиб, бош соvrинни бўлга киритди. Эътиборлики, у 2015 йилнинг май ойидан кўндаларини нималигини билмай келаётганди.

Айни кез аёл теннисчилар рейтингидида руминиялик Симона Халеп етакчилик қилмоқда. Испаниялик Гарбинье Мугурса ва чехиялик Каролина Плишкова кучли учликдан жой олган.

WTАнинг октябрдаги якуний турнири Сингапурда ўтказилади.

### МЕЗБОНЛАР ГАЛАБА ҚОЗОНДИ

Тўп билан ўйналадиган хоккей бўйича Швециянинг Сандвикен шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон кубоги мусобақаси финалида маҳаллий «Сандвикен» клуби овертаймда русларнинг «Енисей»ини мағлубиятга учратди.

ТАСС манбасида келтирилишича, шиддатли ўйин 4:3 ҳисобида яқунланган. Яна бир жиҳати, жаҳон кубоги баҳслари 2009 йилдан буйун Сандвикенда ўтказилмоқда.

Шу тариқа, «Сандвикен» ўз тарихида учинчи марта (1974, 2002, 2017 й.) чемпиони бўлди. «Енисей» эса мазкур турнирда тўрт бора (1983, 1984, 2011, 2015 й.) зафар қучган. Қизиғи, ушбу турнир финалига «Енисей» бирорта ҳам очко йўқотмай этиб келганди.

### МУШТЛАШУВ БЎЛАДИ, ФАҚАТ...

Болгариялик боксчи Кубрат Пулев Халқаро бокс федерацияси (IBF) чемпиолик камари соҳибига Жаҳон боксчилар ассоциацияси (WBA) суперчемпиони, британиялик Энтони Жошуага қарши рингга чиқолмайди.

«Matchroomboxing» промоутерлик компанияси матбуот хизматидан олинган хабарга кўра, бунга Кубратнинг жароҳати сабаб бўлган. Жанг жорий йилнинг 28 октябрда Кардифф шаҳрида ўтказилиши керак эди. Шифокорлар хулосасига кўра, К.Пулевнинг ўтган ҳафта елкасидан олган жароҳати мушталашувгача тўла тuzалмас экан. Аммо бу Жошуа 28 октябрда рингга чиқмайди, дегани эмас. У IBF қоидадига кўра, шу санада наватдаги даввогарга, яъни камерунлик Карлос Такамга қарши чемпиолик жангини ўтказилади.

Такам жами 39 жанг ўтказиб, 35 галаба(27 таси нокаут)га эришган, уч марта энгилган.

### ЗАККЕРОНИ ЭНДИ БААДА

Италиянинг гранд жамоаларини бошқарган собик мураббий, малакали мутахассис Альберто Заккерони Бирлашган Араб Амирликлари миллий терма жамоасини бошқаради.

Мамлакат футбол федерацияси матбуот хизмати тарқатган маълумотга кўра, Заккерони аргентиналик мутахассис Эдгардо Баусанинг ўрнини эгаллайди. Маҳаллий ОАВда ёзилишича, Заккерони билан федерация 2019 йилгача шартнома имзолаган.

64 ёшли италиялик мураббий сўнгги бор хитойликларнинг «Бэйцзин Гоань» клубида ишлаган бўлиб, у ердан 2016 йилда бўшаганди. Аввалроқ у «Ювентус», «Милан», «Интер», «Лацио», «Торино» клублари, Япония терма жамоасида ишлаган. 2011 йили японлар билан Осиё кубогини ҳам қўлга киритган. «Милан» футболчилари унинг қўли остида 1998-1999 йилги мавсумда мамлакат чемпиони бўлган.

**З.ХОЛОВ тайёрлади.**



# ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ НАМОЙИШИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу "Баркамол авлод" республика болалар бадий ижодиёт марказида ўтказилган "Йилнинг энг яхши тўгарак раҳбари" кўрик-танлови ғолиби Тўхтажон Йўлдошевнинг ижодий ишларидан бири. Оддий мунчоқдан ҳайратомуз санъат асари яратилганини қаранг!

Халқ таълими вазирлигининг жорий йил 5 августдаги 249-сонли буйруғига асосан, "Йилнинг энг яхши тўгарак раҳбари" кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. "Баркамол авлод" болалар марказларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, мураббийлар ижодий фаоллигини ошириш, самарали натижаларга эришадиган тўгарак раҳбарлари иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида ташкил этилган танловда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 14 нафар вакил ижодий беллашди. Танловда тўгарак раҳбари бошчилигидаги ютуқлар, унинг услубий-педагогик салоҳияти, амалий машғулот, тест топшириқлари ҳамда иштирокчининг мактабдан ташқари таълим сифатини ошириш юзасидан бажарган топшириқлари баҳоланди. Бола қамровини кенгайтиришнинг энг самарали механизми, кутилаётган натижаларни ўз ичига олган тўгарак машғулотларини ривожлантириш концепцияси ҳар бир иштирокчи томонидан ҳимоя қилинди. Шунингдек, "Бадий ижодиёт йўналишида энг яхши ғоя муаллифи", "Техник ижодиёт йўналишида энг яхши ғоя муаллифи", "Ўлкашунослик ва экология йўналишида энг яхши ғоя муаллифи" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

— "Журналистика ва нотиклик" йўналишида тўгарак машғулотини ўтиб бердим, — дейди танлов иштирокчиси, Самарқанд вилояти

"Баркамол авлод" болалар маркази тўгарак раҳбари Камола Ғаниева. — Ўқувчиларни журналистика соҳаси, нотиклик санъати ҳақидаги замонавий тенденциялар билан таништирдим. Оммавий ахборот воситаларида ишлашни оруз қилган ўқувчи бу нарсга янгилик. Тўгарак аъзоларидан Ҳасан Акбаров "Йилнинг энг яхши ихтирочис" республика танловида ғолиб бўлди. Яна бир ўқувчим Умид Ҳамзаев "Соғлом турмуш тарафдорларимиз" танловининг республика босқичида биринчи ўринни эгаллади. Марказимизда яна бир янгилик — масофадан туриб онлайн ўқитиш тизими йўлга қўйилди. Бу ўсмирларга ўз уйида шуг'ullanish имконини беради. Бугунги танлов мен учун янги тажрибаларни ўрганиш майдончаси бўлди. Баҳсларда бола билан ишлаш маҳорати, уларда илк касбий кўникмани шакллантириш усуллари намойиш этилди.

Дарвоқе, республикамиздаги мавжуд 211 та "Баркамол авлод" болалар марказида 3 йўналиш бўйича жами 6108 нафар педагог фаолият кўрсатмоқда. 5118 та тўгаракка 125 771 нафар бола жалб қилинган. Машғулотлар 5 тилда олиб борилади. Тўгаракларнинг янги тахрирдagi ўқув дастурлари, 58 номдаги ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилиб, барча марказларга етказилди. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш, кўникма ва малакаларини тўлиқ шакллантириш бўйича "Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талаблари" тасдиқланди. Тизим ходимларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида 54 марказ танлаб олиниб, бадий ижодиёт, техник ижодкорлик, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича таянч маскан этиб белгиланган.

Кўрик-танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Асолат АҲМАДҚУЛОВА,**  
"Ma'rifat" муҳбири  
**Владимир ГРАНКИН**  
олган суратлар.



## Ma'rifat

ТА'СИС  
ЕТУВЧИЛАР:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,  
О'zbekiston Oliy va o'rta maxsus  
ta'lim vazirligi, О'zbekiston  
ta'lim, fan va madaniyat  
xodimlari kasaba uyushmasi  
Respublika kengashi.

Бoш муҳаррир **Husan NISHONOV**

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga  
olingan. Indeks: 149, 150. F-1015. Tiraj 33095.  
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;  
kotiбиyat — 233-99-15;  
reklama va marketing bo'limi —  
233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat»dan  
materiallarni ko'chirib  
bosish tahririyat  
ruxsati bilan amalga  
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar taqriz  
qilinmaydi va muallifga  
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 20.40 Topshirildi — 21.40

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.  
Navbatchi muharrir:  
Xayrulla ABDURAHMONOV.  
Navbatchi:  
Faxriddin RAHIMOV.

12 456